МЕҲНАТ—ТАРБИЯ МАКТАБИ!

ИЮЛНИНГ ҚОЛГАН КУНЛАРИДАН ТЎЛА ВА УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ, ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ЯНАДА АВЖ ОЛДИРИНГ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 141 (2432). | 19 июль, жума, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент қишлоқ область партия комитетининг IV пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг натижалари ва қишлоқ область партия ташкилотининг идеология ишларини яхшилаш соҳасидаги вазифалари» ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бу тўғрида область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқов доклад қилди.

Докладдан сўнг қизғин музокаралар бошланди. Музокараларда Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари Н. Қирғизбоев, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи И. Сотиболдиев, Тошкент қишлоқ область партия комитетининг секретари А. П. Алимов, Тошкент области билан мусобақадош Қозоғистон ССР Чимкент области вакили, Сарноғоч ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари Т. Тумашев, «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг бригадири А. Алчикова, Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз партия ташкилотининг секретари У. Гулматов, «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакторининг ўринбосари И. Сулаймонов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов иштирок этди.

Пленум КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг «Партия идеология ишининг навбатдаги вазифалари» ва «КПСС Марказий Комитети вакилларининг Хитой Коммунистик партияси вакиллари билан бўладиган учрашуви ҳақидаги» қарорларини бир овоздан ва тўла маъқуллади.

Шунингдек Пленум КПСС Марказий Комитетининг партия ташкилотларига, Совет Иттифоқининг барча коммунистларига Очиқ хатини ҳам бир овоздан ва тўла маъқуллади.

Пленум қатнашчилари областда идеология ишларини янада яхшилашга қаратилган резолюция қабул қилдилар.

(Пленум иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида босилади).

Сиз суратда Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг моҳир механизатори ўртоқ К. Ашировни кўриб турибсиз. У ўзига бириктирилган карталарда ғўза қатор ораларини сифатли юмшатиб, бригада бўйича 127 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

А. Абалян фотоси.

ЯНА ВАЪДАБОЗ БЎЛИБ ҚОЛМАЙСИЗМИ?

Оққўрғондаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раиси ўртоқ Розиқ Рисқулов билан суҳбатлашиб қолсангиз дарҳол: «Бу йил ишимиз чакки эмас», дейди У ўтган йили ҳам, ундан олдинги йиллари ҳам худди шундай катта ваъдалар берган, улгуржи мажбуриятлар олган. Лекин пировардида ўша ваъдалардан фақат қуруқ важ қолган, холос. Ҳа, ваъдабозликда ўртоқ Рисқуловдан ўтадиган киши районда йўқ деса бўлади.

Ўтган йили колхозда «ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил оламиз», деб бонг урилди. «Бу йил ишимиз чакки эмас» деган сўзлар кўп такрорланди. Лекин ғалвир сувдан кўтарилганда «чакки эмас» деган ғаплар чакки бўлиб чиқди.

Хўш, нега шундай? Ўртоқ Рисқулов раис бўлгандан бери колхозни қаёққа олиб кетаяпти, у рулни қай томонга қараб бураяпти, олдингами, орқагами? Раиснинг сўзи билан айтганда колхознинг асосий даромад манбаи пахтачилик Мана шу асосий манба соҳасидаги ишлар қандай?

Яхшиси баъзи рақамларга сўз берайлик: 1960 йилда колхоз ҳар гектар ердан 20 ўрнига 16.2 центнердан пахта ҳосили олган эди. Ўтган йили эса ҳар гектар ердан 26 ўрнига 12 ярим центнердан ҳосил олинди. Ер. сув, одамлар ўзгармади-ю, ҳосилдорлик пастга қараб кетди. Агар 1960 йилда колхозда 2040 тонна ҳосил олинган бўлса, ўтган йили бори-йўғи 1614 тонна пахта етиштирилди.

Бундай аҳвол фақат пахтачиликда эмас, бошқа тармоқларда ҳам юз берди. Шу давр ичида картошка, сабзавот, беда, сут ишлаб чиқариш кўпайиш ўрнига камайиб кетди. Кейнги икки йил ичида сигирлар, чўчқалар сони ҳам камая бошлади. Бу ерда ҳосилдорлик пастга қараб кетаётган бўлса, таннархи осмонга қараб кўтарилаяпти. Масалан, бир килограмм етиштирилган қўй гўштининг таннархи 4 сўм 40 тийинга, мол гўштининг таннархи 6 сўм 20 тийинга, бир килограмм сутнинг таннархи 24 тийинга тушди. Ана шундан ҳам равшан кўринияпти. Рибдикки 4 йилдан бери бу колхоз ўртоқ Рисқулов раҳбарлигида олдинга эмас, орқага қараб кетаяпти. Ўзар рақамлар шуни кўрсатаяпти.

Ўртоқ Рисқулов: «одамларнинг ўзлари ишга қизиқмаса минг урининг ишда унум бўлмас экан» дейди. Бу жуда тўғри фикр. Бу хўжаликдаги энг жиддий камчилик одамларни ишга рағбатлантириш учун жиддий ғамхўрлик қилинмаётганлиги деса бўлади. Колхоз раҳбарлари нуқул мажбурият оладилар, ваъда берадилару, аммо шу мажбуриятларни бажарадиган одамлар ҳақида, уларга ғамхўрлик қилиш, қулай маиший шароит яратиш тўғрисида жуда кам ўйлайдилар.

Ўртоқ Турғунбоев бошлиқ бригадада ишловчи хотин-қизлар тушмаҳалида карта четидаги чуқур лабида ўлтириб дам олишаяпти. Улар ўртасида Мукаррам Улашева. Қўйсин Ҳолиқулова, Умринисо Алимова сингари меҳнатда намуна кўрсатаётган қамтар қизлар ҳам бор. Улар кеч экилган ғўзани яхшироқ парвариш қилиб тезроқ етилтириш учун ихлос билан тер тўкмоқдалар. Бироқ, шундай фидокороча ишлаётган колхозчиларни дам олиб оёқатланишлари учун дала шийпони йўқ. Дала шийпони эмас, лоақал ариқ бўйидаги катта толлар тагини тозалаб жой ҳам қилиб қўйилмаган. Шу ҳам колхозчиларга ғамхўрликми?!

Хўжалик раҳбарлари: «колхозчиларга ҳар 15 кунда пул бериб турибмиз» дейдилар. Лекин ҳалиги аёллар: «бир ойдан бери пул берилмаяпти», деб арз қилмоқдалар.

Ҳа, Колхозда одамларга чинакам ғамхўрлик қилиш етишмайди. Бунинг учун лоақал 17 та бригададан фақат 5 тасидагина дала шийпони борлигини кўрсатиш кифоя. Колхоз бухгалтери: «янги сигирхона, товуқхона», қурдик дейди. Аммо одамлар учун қулайшароит яратиш тўғрисида оғиз очмади.

Тўғри, бу йил колхоз хўжалик ҳисобига кўчган. Бу яхши. Лекин колхозчиларнинг иш ҳақи ўз вақтида берилмаётгани ёмон. Партия ва ҳукуматимиз бу йил колхозчиларга катта ғамхўрлик қилди. Пахтанинг нархи ошди, колхозларга ғалла бериладиган бўлди. Бундан руҳланган колхозчилар уюшқоқлик билан ишлаб, мўл ҳосил кўтариш учун заминҳозирладилар. Иш ҳар йилгидан бир даражадаги дуруст. Бироқ, колхоз раҳбарлари бунга кўриб бемаҳал шошилиб қолганлар. Улар «Бу йил планни бажармасак ҳеч қачон бажараолмаймиз» дейдилар. Бу ҳали ҳом гап. Далаларни кеҳсанги кўчатларнинг текис, ҳар йилгидан анча қалин эканига ишонч ҳосил қиласиз. Бироқ, кўпчилик карталарнинг ўртасидаги ғўзалар яхши ривожланаётган бўлса ҳам карта четларидаги ғўзаларнинг авжи паст ва сийрак. Ҳали ўт босиб ётган ерларни ҳам учратасиз. 10 майда чигит экилган 161 гектар ердаги ғўза жуда ёш.

Шунга қарамай кейинги вақтда дала ишларида бўшашувчилик пайдо бўлди. Пахтачиликдаги 384 кишининг ҳаммаси ишга тўла қатнашмаётганини 35 та чоник тракторидан фақат 22 тасигина ишлаб турганини қандай баҳолаш керак?

Ўртоқ Рисқулов бундай бўшашувчилик, бемаҳал маҳрурланиш жуда хавфли. Бундай аҳволда яна ваъдабоз бўлиб қолмайсизми, хатолардан хулоса чиқариш шунақа бўладими? Ўртоқ раис, фурсат ғанимат, фурсат!

Б. ХАЛИЛОВ
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ КОММУНИЗМГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН!

Яқиндагина ўз ишини якунлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларига бағишланган Пленуми қарорлари муносабати билан республика партия ташкилотларининг идеология ишларини кенгайтириш соҳасидаги вазифаларини кенг муҳокама қилди. Шунингдек Пленумда республика пахтакорлари социалистик мажбуриятларининг қандай бажарилаётганлигини ўзаро текшириш якунлари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг ғўза парваришини кучайтириш соҳасидаги вазифалари ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Пленумда ҳар иккала масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми республикамиз партия ташкилотларининг моноли бирлигини, КПСС Марказий Комитети атрофига маҳкам жипслашганлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди Пленум жанговар, партиявий ўз-ўзини танқид остида ўтди. Идеология иши билан шуғулланувчи барча ташкилотлар ишига кенг йўлланмалар белгилаб берилди.

Пленум КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг «КПСС Марказий Комитети вакилларининг Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети вакиллари билан бўлажак учрашуви тўғрисида»ги қабул қилган қарорини, КПСС Марказий Комитети Президиумининг, КПСС Марказий Комитети Биринчи Секретари ва СССР Министрлар Советининг раиси Н. С. Хрушчевнинг жаҳон коммунистик ҳаракати кучларини янада жипслаштириш юзасидан ўтказаётган сиёсий фаолиятини, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг Президиуми Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети билан ўзаро муносабатларда амалга оширган конкрет ҳаракатлари ва тадбирларининг ҳаммасини яқдиллик билан қўллаб-қувватлади ва қизғин маъқуллади

Республикамиз партия ташкилотлари партиямиз тарихий XXII съезди қарорлари. Коммунизм қуриш Программасини амалга ошириб бориб, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида дуруст натижаларга ўлга киритмоқдалар. Халқ хўжалигига партия раҳбарлиги кайта қуриганлиги ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Партия ташкилотлари саноат ва қишлоқ хўжалигига ишнинг кўзини билиб, малакали раҳбарлик қилмоқдалар, идеология ишларини хўжалик ишлари билан, коммунизм қурилиши вазифалари билан маҳкам боғлаб олиб боряпти лар.

Республикамизда сўнгги ўн йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш қариб икки баробар, машинасозлик ва металл ишлаш сингари етакчи тармоқларнинг маҳсулоти эса тўрт баробардан зиёд ортди. Шу даврнинг ўзидагина Ўзбекистонда 557 корхона ва йирик цех қурилди. Ўн йил ичида халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағ миқдори Совет ҳокимиятининг бундан аввалги ҳамма йиллардагига нисбатан икки баравардан зиёд кўпайди. Ўзбек халқининг миллий ифтихори, халқларимиз ўртасидаги дўстлигимизнинг рамзи — «оқ олтин»имиздир. Республикамизда 1962 йилда 1953 йилдагига нисбатан 453 минг тонна кўп пахта етиштирилди.

Ўзбек халқининг ҳозирги ҳаёти фаровон ва бахтиёрдир Келажагимиз яна ҳам ғуззалдир. Совет ҳокимиятининг 35 йили ичида республикада жаъми сахни 6,5 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилган бўлса, фақат сўнгги ўн йил ичида қарийб 13,5 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу муваффақиятлар Коммунистик партиямиз ленинча миллий сиёсатининг ажойиб самараларидир.

Идеология иши — жанговар ва ҳаётий ишдир. Пленумда қилинган докладда, музокараларга чиққан нотиқларнинг сўзларида идеология ишлари ҳозирги куннинг амалий вазифалари билан боғлаб олиб борилиши лозимлиги алоҳида уқтирилиб ўтилди Юксак ғоявийлик совет кишисининг муҳим фазилати, меҳнат энг яхши тарбия мактабидир. Коммунизм совет кишиларининг меҳнати, меҳнати ва фақат меҳнати билангина бунёд этилади. Партия ташкилотлари идеология фронтининг ҳамма соҳаларида олиб борадиган ишларида илғор фан ва тажрибага асосланган, олий меҳнат унумдорлигига эришишга ёрдам берадиган, онгли интизомга асосланган коммунистик меҳнат намуналарини кенг пропаганда қилмоқлари лозим. Ҳеч қаерда ишламай, моддий бойликлар яратишда қатнашмасдан, лекин яхши истеъмол қилишга ўрганиб қолган дангасаларга, текинхўрларга қарши шафқатсиз кураш олиб бормоғимиз лозим.

Меҳнат кишини улуғлайди. Ҳалол меҳнат қилиш, зиммага олинган бурчни садоқат билан бажариш катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Пленумда кўрсатиб ўтилганидек, ташкилий ва идеологик тадбирларнинг бутун кучи билан мажбуриятларнинг аҳамиятини ошириш, ана шу мажбуриятларнинг ҳар бир сатри учун жавобгарликни кучайтирмоқ лозим. Мажбурият олдингми — уни бажар, сўз бердингми — устидан чиқ!

Лекин бизда баъзан жуда катта ваъдалар бериб ўз сўзининг устидан чиқаолмайдиган айрим ваъдабозлар бор. Улар катта мажлисларда оғиз кўпиртириб гапирадилар, уёқ-буёқни ўйламасдан, ҳисоб-китоб қилмасдан ваъда бериб юборaберадилар. Ҳеч масъулият сезмайдиган ваъдабозларни жамоатчиликнинг қаттиқ ва шафқатсиз ҳукмига дучор қилиш керак

Коммунистик партия раҳбарлигида эришаётган барча ғалабаларимизнинг асоси — халқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик дир. Областимиз кўпмиллатли область. Завод ва фабрикаларимизда, колхоз ва совхозларимизда, илмий ва маданий муассасаларимизда турли миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб, коммунизм улуғ ишининг ғалабаси йўлида фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Лекция пропагандаси, партия маорифи, ижтимоий фанлар, матбуот, радио, телевидение, адабиёт ва санъат — хуллас, идеологиямизнинг барча воситалари қўлни-қўлга бериб, бирбиринга ўргатиб, ёрдамлашиб меҳнат қилаётган барча миллат меҳнаткашларининг ижодий меҳнати, ҳаёти ва порлоқ келажагини кенг ифодалаб бермоғи лозим.

Идеология ишига партия ташкилотлари жон куйдириб, мунтазам раҳбарлик қилганларидагина жонли, ҳаётга яқин бўлади. Нуқул хўжалик ишларига берилиб кетиб, тарбиявий ишлар унитиб қўйилган жойда яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Шу сабабдан партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари идеология ишларини ишлаб чиқариш билан мустаҳкам боғлаб олиб бориш юзасидан бирча чораларни кўрсинлар. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми коммунистик жамият кишисини тарбиялашда, идеология ишларини ҳаётий бўлишини таъминлашда бошланғич партия ташкилотларининг роли катта эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатди.

Биз оммага ғоявий таъсир кўрсатишнинг барча воситаларини жанговар ҳолга келтиришимиз, шайланмоғимиз керак. Токи бу қуролларимиз мўлжалга тўғри бориб тегсин, коммунизм учун курашга кенг оммани сафарбар этадиган илҳомлантирадиган бўлсин! Идеология соҳасидаги ишларимиз коммунизмга хизмат қилсин, партиямиз тарихий XXII съезди қарорларини, коммунизм қуриш Программасини амалга оширишда партиямизга яқиндан ёрдам берсин!

ШИҒИЛ ҲОСИЛ

Бекобод ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхознинг коммунист ўртоқ К. Усмонов бошлиқ бригада аъзолари 30 центнер юзасидан олинган мажбуриятга яраша далаларда мўл ҳосил тўплашга эришаяптилар. Ҳозирдаёқ ҳар туп ғўзада 4—5 тадан тўқ кўсак борлиги бунинг яққол далилидир. Шу кунларда пахтазорда меҳнат яна ҳам авжга минган. Ҳар бир деҳқон шу ғанимат дамларнинг эҳтироси билан яшамоқда.

Коллективнинг умумий манфаатларига муносиб ҳисса қўшиб ишлаётган бригаданинг И. Ўсаров, У. Маркабоев каби универсалчилари ва Н. Холбоев, А. Нахалбоев, Қ. Тожиқулов сингари мириқкор сувчилари кунлик нормаларини доимий равишда ошириб бажариб, кўпчиликнинг иззат ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Шунингдек бошқармадаги Дзержинский номли колхознинг З. Гойипова ва Р. Кўлназаров ўртоқлар бошлиқ 7 ва 13-бригада пахтакорлари ҳам ўзларига қарашли майдонларда мўл, «оқ олтин» ҳосили етиштираётирлар.

М. МИРЗАЕВ.

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ ЗАРБДОР ФРОНТИ

Тошкент саноат область ва Тошкент шаҳар партия активи йиғилиши

Илгари хабар қилинганидек 16 июлда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Тошкент область ва Тошкент шаҳар партия активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг якунлари ва область партия ташкилотларининг идеология ишларини яхшилаш сохасидаги вазифалари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан Ўзбекистон КП Тошкент саноат область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **П. В. Каймаков** доклад қилди.

Партиянинг идеология иши соҳасидаги навбатдаги вазифалари ҳақидаги масалани муҳокама қилган КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми, дейди ўртоқ Каймаков, партиямизнинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида қилаётган ғамхўрлигининг ёркин ифодасидир. Бу Пленум партиянинг ғоявий, сиёсий ҳаётида, шунингдек совет халқи ҳамда халқаро коммунистик ҳаракатда ғоят муҳим воқеадир. КПСС Марказий Комитетининг март ва ноябрь Пленумларида қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг туб масалаларини муҳокама килгандан кейин идеология иши масалаларининг муҳокама қилиниши батамом қонуний бир ҳолдир. Партия коммунистик қурилишнинг барча фронтларида актив ҳужумни бошлаб юборди. Идеология иши эса коммунизм учун курашнинг энг муҳим фронтларидан биридир.

«Партиянинг идеология иши соҳасидаги навбатдаги вазифалари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. Ф. Ильичев доклад қилди. Пленумнинг кенгайтирилган қарорида партиянинг совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги фаолиятининг асосий мазмуни ва аниқ вазифалари белгилаб берилди.

Марказий Комитет Пленумнинг қатнашчилари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ёркин ва мазмунли нутқини зўр эътибор билан тингладилар. Н. С. Хрушчевнинг нутқи марксизм-ленинизмнинг назарий хазинасига янги ҳисса бўлиб қўшилади, ҳозирги давр идеология ишида партиянинг амалий вазифаларини белгилаб беради.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. А. Суслов, Б. Н. Пономарев, Ю. В. Андропов ўртоқлар сўзга чиқиб, бир томондан Хитой Компартияси Марказий Комитети ва иккинчи томондан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳамда бошқа қардош партиялар ўртасидаги келишмовчиликларнинг моҳиятини баён қилиб бердилар. Пленум «КПСС Марказий Комитети вакилларининг ХКП Марказий Комитети вакиллари билан бўладиган учрашувлари, тўғрисида»ги қарорида КПСС Марказий Комитети Президиумининг, КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг жаҳон коммунистик ҳаракатини янада жипслаштириш ҳақидаги сиёсий фаолиятларини, шунингдек, КПСС Марказий Комитети Президиуми томонидан Хитой Компартияси Марказий Комитети билан ўзаро муносабатлардаги ҳамма аниқ ҳаракатлари ва тадбирларини тўла ва бирдамлик билан қўллаб-қувватлади.

14 июлда КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқидаги партия ташкилотларига, барча коммунистларига очиқ хати эълон қилинди, унда партиямизнинг ХКП нинг 1963 йил 14 июндаги хати муносабати билан халқаро коммунистик ҳаракатнинг муҳим масалалари бўйича тутган позицияси ленинча тўғрилик ва принципиаллик билан баён қилинди. Хитой Компартияси раҳбарларининг хатоталари марксча-ленинча руҳда танқид қилинди.

Шундан сўнг докладчи бир томондан ХКП, иккинчи томондан КПСС ва халқаро коммунистик харакат ўртасидаги келишмовчиликларнинг моҳияти ҳақида батафсил гапиради.

КПСС Марказий Комитетининг очиқ хати, — дейди докладчи, — ғоят катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Бу хат бошидан охиригача марксизм-ленинизмга содиқлик, совет халқлари манфаатлари ҳақида ғамхўрлик, социалистик мамлакатларнинг жипслигини мустаҳкамлаш, коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги, халқларнинг миллий озодлик курашини ривожлантириш, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилгандир.

КПСС Марказий Комитети ўзининг очиқ хатида бутун партиямиз иродасини баён этди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг Ленинчи Марказий Комитети ленинизмнинг улуғ байроғини юқори кўтариб бораётганлигини яна бир бор кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми партия ва халқимизнинг ғоявий ҳаётига ғоят баракали таъсир кўрсатди. Совет кишилари, коммунистлар ва партиясизлар Пленум қарори ва материалларини активлик билан муҳокама қилмоқдалар ва ўрганаётирлар. Бу ҳужжатларда, Н. С. Хрушчевнинг нутқида КПСС Программаси ғоялари сингдирилган бўлиб, партия ташкилотлари, бутун жамоатчилик оммани коммунистик тарбиялаш проблемасини ҳал қилишнинг калидини топмоқда.

12-13 июлда Ўзбекистон КП Марказий Комитетинг VIII Пленуми бўлиб ўтди. Бунда КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми материаллари муҳокама килинди. КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми якунлари ҳамда Ўзбекистон партия ташкилотининг идеология ишларини кучайтириш соҳасидаги вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўрта Осиё бинокорлари ва бинокорлик материаллари саноати ходимларининг кенгаши

17 июлда Тошкентда СССР Ўрта Осиё иқтисодий райони қурилиш ишлаб чиқариш давлат комитети бинокорлари ва Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши бинокорлик материаллари саноати ходимларининг кенгаши бўлди. Ўзбекистон пойтахтига Ўрта Осиё республикалари Компартиялари, Госпланлари, Госстройлари, қурилиш банкларининг масъул ходимлари, саноат корхоналари ва қурилиш партия ташкилотларининг раҳбарлари ва секретарлари, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари тўпланишди. Улар 1963 йилги капитал қурилиш планини бажариш ва ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жой ва коммунал-маиший объектларини муддатидан олдин фойдаланишга топшириш бўйича кўриладиган чораларни муҳокама қилдилар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси Раисининг ўринбосари В. К. Акулинцев очди.

Госсредазстрой раиси, СССР министри В. М. Гушчин муҳокама қилинаётган масала бўйича доклад қилди.

Музокараларда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари П. Е. Вакулов, Главузстрой 8-трестининг бошқарувчиси А. С. Алтухов, Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши бинокорлик материаллари саноати Бош бошқармасининг бошлиғи С. Т. Тўхтахўжаев, Туркманистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари О. Н. Ораэмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Марциняк, «Душанбестрой» трести хўжалик ҳисоби комплекс коммунистик бригадасининг бригада бошлиғи М. Я. Рильский, «Ашхабадстрой» трести ғишт терувчилар бригадасининг раҳбари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. В. Яковлев, Главузстрой бошлиғи А. К. Каримов, «Ошобстрой» трести коммунистик меҳнат комплекс бригадасининг бригада бошлиғи Е. Бодалбоев, Ашхобод шаҳар партия комитетининг секретари В. Ф. Пахомов, Главтаджикстрой бошлиғи Р. М. Қурбонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. С. Скребнев, Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши раисининг ўринбосари В. А. Пономарев, Главкиргизстрой бошлиғининг биринчи ўринбосари А. Г. Белоглазов, Главтаджикстройга қарашли «Промстрой» трестининг бошқарувчиси А. К. Бондарь сўзга чиқдилар.

Кенгашда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари СССР Госстройининг раиси И. Т. Новиков сўзга чиқди.

Кенгаш қатнашчилари Ўрта Осиёнинг барча бинокорлари ва бинокорлик материаллари саноатининг ходимларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

Гулдурос қарсаклар остида КПСС Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига, ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрик хати юборишга қарор қилинди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Карлов, Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг раиси С. И. Кадишев, Қирғизистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари К. В. Данилин, СССР Госплани коллегиясининг аъзоси К. В. Никулин ўртоқлар иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ ЗАРБДОР ФРОНТИ

(Бошы биринчи бетда).

Ўртоқ Рашидовнинг докладида ва Пленум қатнашчиларининг нутқларида республика партия ташкилотларида, шунингдек Тошкент область партия ташкилотида ҳам идеология ишининг қўйилишидаги жиддий камчиликлар ўткир, принципиал танқид қилинди. Область шаҳар ва район партия комитетлари бу танқиддан тўғри хулоса чиқариб олишлари, халқ оммасини ғоявий-сиёсий тарбиялаш соҳасида партия ташкилотлари ишини тубдан яхшилаш тадбирларини кўришлари лозим.

Докладчинг каттагина қисми буржуа идеологияси ва кишилар онгидаги ўтмиш сарқитларига қарши курашга бағишланди. Совет халқининг коммунистик қурилиш ишидаги ҳал қилувчи муваффақияти, социалистик мамлакатлардаги барча халқларнинг ютуқлари, дейди Ўртоқ Каймаков, жаҳон майдонида синфий кучларни янгича жойлаштиришда сифат ўзгаришларга олиб келди. Эндиликда империализм социализмни ҳарбий йўл билан яксон қилаолмайди. Аксинча у ички системанинг иқтисодий мусобақасида кетма-кет муваффақиятсизликка дуч келмоқда.

Эндиликда империалистик мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари социализмга қарши курашнинг бошқача формаларидан фойдаланмоқдалар. социалистик давлатларга нисбатан идеологик диверсия уюштиришга асосий эътиборни кучайтирмоқдалар.

Империалистлар совет кишиларининг ғоявий ва маънавий онгига таъсир кўрсатишнинг ҳар қандай форма ва методларидан фойдаланишмоқда. АҚШ нинг кўзга кўринган идеологлари тўғридан-тўғри «русларнинг онгига таъсир кўрсатиш, Ойга чиқишдан кўра муҳимроқдир», деб айтмоқдалар.

Худди шу мақсадда империалистлар коммунизмга идеология ҳужуми қилиш учун ғоят катта пропагандистик аппарат ва кўп миқдорда материал ресурсларни сафарбар этдилар.

Империалистлар совет кишиларини ғоявизлантиришда ўз мақсадларини ўтмиш сарқитларини жонлантириш ҳисобига амалга оширишни кўзламоқдалар. Улар қолоқ қарашлар ва ахлоқларни ташиб юрувчилар, обивателчилик, турмушда нопоклик ва ҳаромхўрлик билан захарланган кишиларга умид боғламоқдалар. Бундай кишилар буржуа пропагандаси учун жуда қўл келадилар.

Партия ташкилотларининг ҳозирги даврда идеология ишлари коммунистик онглиликни тарбиялаш, кишиларг онгида капитализм сарқитларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик ҳамда диний урф-одатлар қолдиқлари, олиҳсотарлик, ўғрилик, безорилик, ниҳоят тўрмушдаги ўтмиш сарқитларига қарши кураш асосига қўйилиши керак.

Икки идеологиянинг аёвсиз кураши шароитида идеология соҳасида тинч-тотув яшашнинг ҳар хилда шиорларини кўтариб юрувчиларга қарши муросасиз кураш олиб бориш лозим, чунки империалистлар бундай шиорларни зўрма-зўраки ёйишдан тоймаётирлар.

Докладчи алоҳида таъкидлаб ўтдики, инсон дунёқарашининг шаклланиши бевосита коммунистик қурилиш практикаси билан боғлиқдир. Шу сабабли партия Ватанимиз бахт-саодати учун меҳнат қилиш—коммунистик тарбиянинг биринчи шарти ва воситаси деб таълим бермоқда. Ҳаётнинг ўзи, коммунистик қурилиш практикаси, меҳнатга ва жамоат ҳаётида иштирок этиш кишилар онгига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Бахтли келажак ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. осмондан тушмайди, балки кишиларнинг фидокорона меҳнати билан вужудга келтирилади. Кишилар оммасининг манфаатлари йўлида меҳнат қилар эканлар ўзлари ҳам ўзгариб борадилар, юксак маънавий хислатларни эгаллайдилар.

Кишиларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига юзаки қараб бўлмайди. Одамни меҳнат процессига киритиб қўйилса бас, унда коммунистик онглилик автоматик равишда пайдо бўла беради, деб ўйлаш мутлақо нотўғридир. Ҳар бир киши меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятини тушуниб етсагина бу меҳнат тарбия ролини ўйнайди.

Бу соҳада юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун кураш катта аҳамият касб этади. Областимиз саноати 6 ойлик иш якунлари бўйича меҳнат унумдорлигини ошириш планини 102,1 процент адо этди ва бу муҳим кўрсаткич бўйича етти йиллик контроль топшириқларидан олдида бормоқда.

Бироқ бизда меҳнат унумдорлигини ошириш масаласига етарли эътибор бермаётган завод ва фабрикалар, қурилиш ташкилотлари ҳали кўп. 39 корхона меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича ярим йиллик планни бажармади. Улар орасида Олмалиқ мебель фабрикаси, Чирчиқ ойна заводи, Тошкент тўқимачилик-трикотаж фабрикаси, «Ташгазоаппарат» заводи, Тошкент гўшт комбинати ва бошқалар бор.

Социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат учун ҳаракат меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялашнинг қудратли воситасидир.

Бироқ, айрим партия ташкилотлари бу муҳим ишга кам эътибор бермоқдалар. даврмизнинг бу муҳим ҳаракатининг софлиги ва таъсирчанлиги учун етарли қурашмаётирлар, коммунистик меҳнат учун мусобақани қуруқ сўзлар ва жарангдор жумлалар билан эмас, балки меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш соҳасида фидокорлик ва қатъийлик билан ишлаш, коммунистик ахлоқ ва эътиқодларни шакллантириш билан оқлаш кераклигини унутиб қўймоқдалар.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VIII Пленумида Чирчиқ шаҳар раҳбарларини жуда тўғри танқид қилди. Чунки Чирчиқ шаҳар раҳбарлари чиройли сўзлашади, катта мажбуриятлар олишади. Лекин уни иш билан мустаҳкамлашмайди.

Масалан, Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва иссиққа чидамли металлар комбинатини олиб кўрайлик. Бу ерда ўз вақтида корхона коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун кураш бошлаганлиги эълон қилинган. Бироқ комбинатда коммунистик меҳнат учун бошланган ҳаракат жуда суст равишда бормоқда. 15 бўлимдан эндигина биттасига коммунистик меҳнат коллективи номи берилди, 46 бригададан атиги 9 таси шу улуғ номни қўлга киритди.

Комбинат муттасил равишда маҳсулот етказиб бериш планини бажармаётгир. Кўплаб бракка йўл қўйилмоқда. Шундай экан корхона коммунистик меҳнат учун курашаётир деб бўладими? Тошкентдаги «Подъёмник» заводида коммунистик меҳнат учун ҳаракат суст ривожланмоқда. Бу корхонада атиги 28 ишчи улуғ номга сазовор бўлган 49 кишигина коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун курашмоқда.

Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи мунтазам бажарилмаётган қурилиш ташкилотларида кишиларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Бу жойларда ишлар қониқарсиз ташкил этилганлиги ва техникадан ёмон фойдаланилаётганлиги туфайли шундай оқибатлар рўй бермоқда.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашнинг ажралмас қисмларидан бири меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун кураш ҳисобланади. Мустаҳкам, онгли интизом — ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, социалистик экономикани янада кўтариш соҳасида эришиладиган ютуғимизнинг муҳим воситасидир.

Афсуски, ҳозирга қадар ҳар хил ишёқмасларга нисбатан либерал муносабатда бўладиган раҳбарлар ҳам бор. Бундай муносабат кишиларни меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш ишига катта зиён етказади.

Ўртоқ Каймаков ижтимоий мулкка коммунистик муносабатда бўлишни тарбиялашга алоҳида эътибор бериш кераклигини уқтиради. У таъкидлайдики, совет кишилари ижтимоий мулкни сақлаш ва кўпайтириш—мамлакатимизнинг коммунизм сари олға ҳаракат қилишининг ҳал қилувчи шарти эканлигини яхши биладилар. Ижтимоий мулкни хўжаликнинг кўзини билиб сақлаш ва кўпайтириш совет давлатининг қудратини ошириш ҳамда унинг гуллаб-яшнаши учун, халқ оммаси моддий фаровонлиги ва маданиятининг юксалиши учун асосий манбаъдир.

Бизнинг мамлақатимизда меҳнаткашлар ишлаб чиқаришнинг тўла ҳуқуқли хўжайинидирлар. Шу сабабли ҳар биримиз унинг фаолияти учун жамият олдида жавобгармиз. Кишиларимизнинг қариб кўпчилиги бу масалани ҳал этишга давлат манфаатлари, умумхалқ манфаатлари нуқтаи назаридан ёндошмоқда.

Бироқ, биз ҳанузгача социалистик мулкка масъулиятсиз муносабатда бўлишдек ҳунук фактларга тез-тез дуч келиб турибмиз. Ҳали бизда давлат маблағларини ишнинг кўзини билмаган ҳолда сарфлайдиган ходимлар ҳам бор. Ҳали бизда юлғучлар, олиб сотарлар, ҳаром кўл, халқ мулкига ола қарайдиган кишилар ҳам бор.

Йил бошида Тошкент область саноат корхоналарида 20 миллион сўмлик асбоб-ускуна ҳаракатсиз ёк бўлиб ётди. Ўрта Осиё халқ хўжалиги кенгашининг областимиз территориясида жойлашган 6 та қурилишида 6 миллион сўмлик чет элдан келтирилган асбоб-ускуна ўрнатилмади.

Давлат брақдан жуда катта зиён кўрмоқда. Фақатгина «Чирчиксельмаш» заводида брақдан кўрилган зиён 1962 йилда 175 минг сўмни ташкил этди. Шу йилнинг биринчи квартали ичида эса 42 минг сўмлик зиён кўрилди. «Ўзбексельмаш» заводида ўтган йили брак ҳисобига кўрилган зиён 108,2 минг сўмни, «Таштекстильмаш»да эса 255 минг сўмни ташкил этди.

Қурилишларда материаллар кўплаб исроф бўлмоқда. Қатор ташкилотларда бинокорлик материалларини сарфлаш устидан назоратсиз олиб борилмаётир. Кўпгина қурилишларда тупроққа қоришиб ётган цемент, синган гишт, ойна, алебастр, оҳак, бўёқни ортиқча сарфлаб юбориш оддий ҳодиса бўлиб қолган.

«Кўпни ҳам, озни ҳам тежаш керак»—бу шиор социалистик хўжаликни бошқаришнинг муҳим хусусиятини ифода қилади. Шу сабабли бу ҳаракатга барча меҳнаткашларни жалб қилиш жуда муҳимдир. Тарбиявий ишларни шу йўналишда олиб бориш—идеология ишининг энг муҳим участкаларидан биридир.

Ўртоқ Каймаков кишиларни ижтимоий мулкка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш соҳасида партия ташкилотлари олдида турган вазифаларга батафсил тўхталади. Докладчи айрим партия комитетлари бу ишни сусайтириб юбораётганликлари ҳақида мисоллар келтиради. Ўз фаолиятларида мана шу муҳим томонни унутиб қўйётган раҳбарларни кескин танқид қилади. Социалистик мулк муқаддасдир. Эгри ва жиноятқорона шахсларнинг йўлини тўсиш, ижтимоий мулкни талон-торож қилишга уринишга қарши ишончли тўсиқ ўрнатиш — партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг, ҳар бир совет кишисининг энг муҳим вазифасидир. Социалистик мулкка рўжу қилиш учун кишиларга ўтган пайтлардаги хизматлари ҳам, эгаллаб турган лавозими ҳам, унвони ҳам восита бўлиши мумкин эмас.

Докладнинг каттагина қисми ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида партия ташкилотлари ишларини яхшилаш масалаларига бағишланди.

Кўпгина комсомол ташкилотлари, район ва шаҳар комсомол комитетлари ёшлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни суст олиб бормоқдалар. Улар кўпгина вақтларини ва кучларини ҳар хил тадбирлар, кенгаш ва мажлислар, турли ҳисобот формалари тайёрлаш, маълумотлар ва справкалар йиғишга сарфламоқдалар. Улар комсомол комитетларини ташкилотчилик ишларидан ажратиб ёшларни ғоявий тарбиялаш масалалари билан чуқур ва тўхтовсиз шуғулланиш имкониятидан маҳрум этади.

Бу соҳада область комсомол комитети ва унинг биринчи секретари Ўртоқ Н. Барков ҳам қониқарсиз ишламоқда.

Комсомолга партия раҳбарлигини яхшилаш керак. Ёшларни ғоявий тарбиялаш масаласи партия ташкилотлари диққат марказида бўлиши, тез-тез партия йиғилишларида, район ва шаҳар партия комитетларининг бюро ва пленум мажлисларида, партия активи йиғилишларида муҳокама қилиниши керак.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг бутун жамоатчиликнинг вазифаси—ёшлар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш, уларга маслаҳатлар билан ёрдам кўрсатиш, ишчилар синфининг шонли революцион ва меҳнат традициялари руҳида тарбиялаш, юксак ғоявийлик, турмушга, жамиятга, меҳнатга, оилага коммунистик муносабатда бўлиш. совет ватанпарварларининг юксак ҳислатлари, социалистик Ватанимиз билан фахрланиш совет халқининг доҳиси ва ташкилотчиси улуғ ленинчи партия билан фахрланиш туйғусини уйғотишдан иборат.

Ўртоқ Каймаков алоҳида таъкидлаб ўтадики:

Социалистик коллективда ҳар бир совет кишисининг фақат меҳнат тарбиясидан ўтишигина кифоя қилмайди. Коллективда ғоявий ишонч, илмий дунёқараш, коммунизм қурувчисининг энг яхши ахлоқий ҳислатларини шакллантириш керак.

Коллектив ўртасида тарбия ишлари соҳасидаги вазифаларнинг энг муҳимларидан бири динга қарши курашдир.

Мамлакатимизда диннинг социал илдизлари аллақачонлар тугатилган, лекин диний қарашлар ҳали айрим қолоқ кишилар онгида ўтмиш сарқитлари сифатида мавжуддир. Бироқ коллективларда атеистик ишлар жуда суст олиб борилмоқда.

Динга қарши жанговар, ҳужумкор илмий атеистик пропаганда ишларини кўйиш керак, ҳар бир динга ишонувчи кишининг юраги ва ҳиссиётига йўл топа билиш керак, бундай кишиларни қайта тарбиялаш ҳамда коммунизмнинг актив қурувчилари сафига тортиш учун вақтни аямаслик лозим.

Эскилик сарқитларининг энг жирканч кўринишларидан бири хотин-қизларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш. уларнинг ҳуқуқини поймол қилиш, паранжи ёпишига мажбур этиш, уй бекасига айлантириш сингари ҳоллардир.

Область партия ташкилотлари ана шундай фактларга қарши кураш чораларини кўриши керак.

Меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашда коллективнинг роли жуда катта. Совет ҳукумати тузилган кундан буён бизнинг мамлакатимизда халқлар дўстлиги ва бирдамлиги қарор топди. Халқлар дўстлиги партия ленинча миллий сиёсатининг натижасидир. Бизда миллатчилик идеологиясининг социал асослари батамом тугатилган. Бироқ, миллатчилик қолдиқлари жуда яшовчан, бундай ҳунук ҳолатлар гоҳ-гоҳда рўй бериб қолади.

Миллатчилик кўринишлари оммавий характерга эга бўлмаса ҳам унинг қолдиқларига қарши кескин кураш очиш лозим. Меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш область партия ташкилотларининг идеология ишларидаги муҳим участкаларидан биридир.

Партия ташкилотларининг вазифаси, кишиларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш, бюрократизм, сансалорлик, амалпарастлик ва лагонбардорликка қарши кураш очишдан иборат.

Партия ва жамоат ташкилотлари ҳарбир коллективда ленинча ғоявийлик, жамоатчилик олдида ўз ҳулқи учун жавоб бериш ҳиссини кучайтиришлари, меҳнаткашларни коллектив равишда маданий дам олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришлари керак.

Ишларимиздаги яна бир катта камчилик шундан иборатки, баъзи ташкилотларда ўртоқлик, дўстлик деган шиор остида хушомадгўйлик, лагонбардорлик ва сохта ўртоқчиликка йўл қўйилади. Худди ана шундай ҳолат Тошкент медицина институтига қарашли 3-область болалар сил касали санаторияси. Янгийўл шаҳар касалхонаси ва бошқа баъзи муассасаларда содир бўлмоқда. Бу ерларда ходимлардан пул йиғиб, бошлиқларга тортиқ қилиш каби ярамас одатлар содир бўлган. Бу фактлар ҳақида ўз вақтида «Медицинская газета» танқидий мақола босган эди.

Бу муассасаларнинг партия ташкилотлари танқидга қандай муносабатда бўлдилар? Янгийўл шаҳар. Октябрь, Куйбишев район партия комитетлари газета танқидига қулоқ солиш ва кўрсатилган камчиликларни йўқотиш чораларини кўриш ўрнига камчиликларни хаспўшладилар.

Область партия комитети юқорида қайд қилинган партия комитетларининг секретарларини жиддий огоҳлантириб ўтди.

Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари, саноат корхоналари коллективлари қурилиш муассаса ва ўқув юртлари ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ходимни оилада, ишлаб чиқаришда, турар-жойларда тарбиялашга катта аҳамият беришлари лозим.

Коллектив — меҳнаткашларни тарбия қилувчи асосий кучдир. Коллективимизнинг ҳаётийлиги социалистик жамиятимизнинг тажрибасида тамоман тасдиқланган. Ҳозирги замонда коллективизмни ҳар бир совет кишисининг ахлоқий нормалари, одатларига айлантириш лозим.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири маркса-ленинча ўқувдир. Тошкент саноат область партия ташкилоти партия пропагандаси, унинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва коммунистик қурилиш иши билан қўшиб олиб боришда кўзга кўринарли ишларни қилди. Бироқ сиёсий маориф шохобчаларида олиб борилаётган ишлар жиддий нуқсонларга эга. Сиёсий маориф шохобчаларига инженер-техник ходимлар, хизматчилар жуда кам жалб қилинган.

Масалан, Янгийўл босмахонаси коллективида сиёсий ўқишга 22 киши жалб қилинган, холос. «Ташобластройтрест»нинг 6-қурилиш монтаж бошқармасида сиёсий ўқиш ташкил этилмаган. Оҳангарондаги 72-автобаза, «Средазуголь» комбинати ва бошқа саноат корхоналарида, қурилишларда сиёсий маориф шохобчаларига жуда кам—киши тортилган.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми кадрларнинг сиёсий билимларини оширишга етарли эътибор берилмаётганлигини кескин танқид қилди ва уларнинг мустақил ўқишларига кўпроқ эътибор беришни талаб этди.

Айниқса марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганаётган кишиларга юксак талаблар қўйилмоқи керак. Партия ташкилотлари уларнинг ўқиши устидан муттасил назоратлик олиб боришлари ва район партия комитетларида вақти-вақти билан назарий ва сиёсий масалаларда суҳбатлар ўтказиб туриш лозим.

Партия ташкилотларининг ҳозирги вақтдаги асосий вазифаларидан бири пропагандист кадрларни тайёрлашдан иборат. Ёз даврида пропагандист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мақсадида курслар ва семинарларни чақириб туриш шарт.

Докладчи сиёсий-оммавий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, янги кишини тарбиялаш тўғрисидаги масалага тўхталиб лекция пропагандасидаги муҳим камчиликларни санаб ўтади. Бу соҳада ҳали расмиятчилик тугатилмаган. Баъзи ҳолларда бизнинг партия комитетларимиз илмий билимлар тарқатувчи жамият область ва шаҳар бўлимлари томонидан ўқилган лекцияларнинг сонини кўпайтириш билан овора бўлиб асосий нарсага — унинг ғоявий мазмуни ва таъсирчанлигига етарли эътибор бермайдилар. Ҳали-ҳам шундай лекторлар учраб турадики, улар турмушда ва ишлаб чиқаришда тингловчиларга ўрнак бўла олмайдилар.

Нотиқ лекция пропагандасида йўл қўйилаётган йирик камчиликлар тўғрисида бир қанча мисоллар келтиради, шунингдек совет кишисини коммунистик руҳда тарбиялашда маданий-оқартув муассасаларининг ишини кескин яхшилаш лозимлигини таъкидлайди.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида партия идеология кучларининг зарбдор соҳаси бўлмиш адабиёт, санъат, телевидение ва кино масалаларига катта аҳамият бериш лозим. Шуни айтиб ўтиш керакки, адабиёт ва санъат ходимлари кейинги вақтларда ўқувчилар ва томошабинлар билан тез-тез учрашиб, уларга ўзларининг асарлари ва ижодий планлари ҳақида гапириб берадиган бўлиб қолдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети бюросининг қарорига асосан ой сайин «Санъат ва адабиёт кунлари» ўтказиладиган бўлди. 1963 йилнинг уч ойи мобайнида адабиёт ва санъат ходимларининг 33 бригадаси 50 та корхона, қурилиш ва муассасада бўлиб, меҳнаткашлар билан учрашув ўтказди.

Шунинг билан бирга ҳали адабиёт ва санъат ходимлари область меҳнаткашлари олдида кўп қарздордирлар. Ҳали юксак бадиий, ёркин, яхши эсда қоладиган полотнолар, коммунизм қурувчиларининг қаҳрамонона меҳнатини, коммунистик меҳнат ҳаракатининг зарбдорларини мадҳ этувчи асарлар кам яратилмоқда. Ўзбекистон бадиий нашриёти фаолияти қаттиқ танқидга лойиқ иш тутмоқда. Бу ташкилот бадиий жиҳатдан етук бўлмаган, ўқувчилар томонидан кам талаб этиладиган асарларни кўп босиб чиқармоқда. Тошкент радио ва телевидениеси эшиттиришлари мазмун жиҳатдан камбағал, замонавий ўткир ва актуал проблемаларни кўтариб чиқиб тингловчилар ва телетомошабинларнинг қалбига манзур бўладиган асарлар яратмаётир. Тошкент кинотсияси ҳам замонамиз қаҳрамони — коммунизм қурилишининг актив қатнашчиси образини яратишда етарли иш қилмаётир. Бизнинг театр коллективлари ҳамда концерт эшиттирувчи ташкилотларга таъна қилишга ҳақимиз бор. Уларнинг репертуарларида юқори бадиий савиядаги асарлар кам, партия ташкилотларига меҳнаткашларни, айниқса ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашга ёрдам берадиган даражадаги сиёсий ва ғоявий жиҳатдан пишиқ асарлар яратмаётирлар. Ижодий муассасалар, союзлар, партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини бажара бориб, ўз ишларини қайта кўриб чиқишлари ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларни тузатишнинг барча чораларини кўрмоқлари лозим.

Ўртоқ Л. Ф. Ильичев КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида қилган докладида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишида совет мактабининг ролини оширишга жиддий эътибор берди. Мактабни турмуш билан боғлаб олиб бориш ва СССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги Қонун қабул қилинганидан бери ўтган вақт ичида областимиз мактабларида ўқувчиларни тарбиялаш ва меҳнатга ўргатиш соҳасида бирмунча ишлар қилинди.

Лекин ўқувчиларга ишлаб чиқариш меҳнат тарбияси беришни ташкил қилишда жиддий нуқсонлар мавжуд. Бизда ҳали ўқув цехлари қуриш, ўқувчиларни корхоналарда, қурилишларда ва бошқа ташкилотларда ишлаб чиқариш ўқувини уюштириш учун етарли миқдорда иш ўринларни ва участкалар ажратиш қониқарсиз ташкил этилмоқда.

Масалан, Тошкент шаҳрида планда кўрсатилганидан уч марта кам иш ўринлари ажратилган ва жиҳозланган. Бу масалалар билан айниқса пойтахтимизнинг Куйбишев, Октябрь ва Киров районидаги корхоналар ёмон шуғулланмоқдалар. Оҳангарон ва Янгийўлда ҳам аҳвол ана шундай.

Партия, совет ташкилотлари, халқ маорифи органлари бу муҳим давлат ишида қатъий тартиб ўрнатишлари, ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясини ёмон ташкил қилишда айбдор кишиларни қаттиқ жавобгарликка тортишлари керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VIII пленумида, — дейди Ўртоқ Каймаков, — жуда тўғри қайд қилиб ўтилганидек областимиз партия ташкилотлари ўз ишларини КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми талаблари даражасида қайта қура олганлари йўқ. Кўпгина партия ташкилотлари актив ташкилотчилик фаолияти услубларини жуда секин ўзлаштирмоқдалар, баъзи раҳбарлар ҳар қайси корхона, ҳар бир кадрнинг кучли ва кучсиз, жиҳатларини билиб ололганлари йўқ. Коммунистлар, инженер-техник ходимлар, коллективлар резервлардан тўла фойдаланишнинг барча воситаларини излаб тополмаётирлар.

Область саноат корхоналарида 30 корхона олти ойлик планни бажармаганлиги ачинарли ҳолдир. Кўпгина завод ва фабрикаларда янги техникани жорий қилиш тадбирлари амалга ошмай ётибди. Бундай корхоналарда иқтисодий кўрсаткичлар жуда паст.

Область партия комитетининг апрель ойида бўлиб ўтган пленуми кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишда жиддий нуқсонларга йўл қўйганлиги учун Олмалиқ шаҳар партия комитетини қаттиқ танқид қилган эди. Музокаларда сўзга чиққан Ўртоқ Муҳамедов шаҳар партия комитети раҳбар кадрлар билан ишлашни яхшилаш учун нима ишлар қилаётганлиги ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтмаган эди. Ўшандан бери озгина вақт ўтгани йўқ. Бироқ шаҳар партия ташқилоти танқиддан тегишли хулоса чиқариб олмаганлиги кўриниб турибди. Шаҳардаги раҳбар кадрлар иш тажрибасида ҳали ҳам илгаригидек кўзбўямачилик, бюрократизм, меҳнаткаштларнинг талаб ва эҳтиёжларига тошбағирлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари давом этмоқда.

Олмалиқ шаҳридаги баъзи бир корхона ва ташкилотларнинг ходимларида меҳнаткашларга нисбатан муомалада қўполлик, дағаллик, маъмуриятчилик фактлари учраб туради.

Халқ маорифи системасида кадрларни танлаш ва тарбиялаш ишларида жиддий камчиликлар мавжуд. Кўпгина мактаб ўқитувчилари, район маориф бўлимлари ходимлари, шаҳар маориф бўлимлари ходимларининг сиёсий ва умумий маълумот даражалари жуда паст. Бунинг устига устак ёшлар тарбияси баъзан ахлоқий сифатлари жиҳатидан ўқитувчи деган муборак номни олиб юришга нолойиқ кишилар қўлига топшириб қўйилган.

Партия, совет ташкилотлари, касаба союзлари ва комсомол ташкилотлари, халқ маорифи органлари мактаб ўқитувчилари, тарбиячиларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишига жиддий эътибор бермоқлари ҳамда халқ ўқитувчиси деган юксак номга нолойиқ шахсларни маориф соҳасидан узоқлаштиришлари шарт.

Савдо ва маъмурий органларнинг раҳбар кадрларини танлаш ва тарбиялаш ишида йирик камчиликлар мавжуд. Тез-тез содир бўлиб турадиган ўғирлик, порахўрлик, совет савдоси қоидаларини бузиш каби фактлар бундан далолат бериб турибди. Моддий жавобгарлик лавозимларида ҳали-ҳам аввалларги судланган ва қўлга эгри кишиларнинг ишлаб келаётганлиги чидаб бўлмаслик бир ҳолдир. Бу камчиликлар учун биринчи навбатда савдо министрлиги ва унинг жойлардаги органлари жавобгардирлар. Аммо биз бу ишни партия ташкилотлари зиммасидан соқит қилаётганимиз йўқ. Шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари халқ хўжалигининг ҳар бир соҳасига кадрларни таллаш ва қўйишда чуқур ўйлаб иш қилишлари керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VIII пленумида ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети Президиумида областимиздаги маъмурий орган ва аппаратларида нопок кишиларнинг борлиги жиддий таққид қилинган эди. Прокуратура, суд, жамоат тартибини сақлаш органларига ахлоқий жиҳатдан пок бўлмаган амалпараст кишиларнинг кириб қолишидан сақланиш лозим. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VIII пленуми қарорларидан тегишли хулоса чиқариб, кадрлар билан ишлашда йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф қилиш чораларини кўрмогимиз лозим.

Хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига қадил ва қатъийлик билан кўтаришимиз, бу масалага етарли аҳамият бермаётган кишиларни огоҳлантириб қўйишимиз керак. Хотин-қиз кадрларни танлаш, тарбиялаш ва кўтариш катта давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми идеология ишларига партия раҳбарлигини кучайтириш масалаларига катта эътибор берди. Бу жуда қонуний бир ҳолдир.

Идеология ишларимизда ишонтириш, самимийлик, оддийлик методларини қатъийлик билан жорий қилишимиз, кўрслик, кўполлик, тошбағирлик каби ярамас одатларга қарши кескин кураш олиб бормоғимиз керак.

Шунинг билан бирга идеология ишлари билан шуғулланувчи партия ходимларининг жавобгарлигини ошириш, улардан идеология ишларининг етук масалаларини ҳал қилишда ва уни йўлга қўйишда катта ташаббускорлик ва қатъийлик кўрсатишни талаб этиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми Ленин комсомоли касаба союзлар, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг тарбиявий ролларини оширишни алоҳида қайд қилиб ўтди.

Янги инсонни тарбиялаш олижаноб ишдир. Коммунизмнинг муҳташам биносини қурувчи ана шу янги инсондир. КПСС Программасида ва Пленум қарорларида оммани коммунистик руҳда тарбиялашда жамоатчиликнинг кучи бениҳоя эканлиги кўрсатиб ўтилган. Даврмизнинг асосий вазифаси кундалик қунт билан ишлаш, амалий вазифаларни оқилона ҳал этиш, тарбиявий ишларни муттасил такомиллаштириш, ҳар бир совет кишисининг онги ва қалбига доимий суратда таъсир этишдан иборатдир.

Сўзининг охирида Ўртоқ Каймаков айтадики, Тошкент саноат область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг тарихий июнь Пленуми қарорлари билан қуролланган ҳолда коммунизм моддий-техника базасини яратиш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш ва янги кишини тарбиялаш ишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб сизларни ишонтиришга рухсат этгайсиз.

Докладдан сўнг музокаралар бошланди.

Биринчи бўлиб Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари **В. А. Архангельский** сўз олади.

— Коммунистлар ва Тошкентнинг барча меҳнаткашлари, — дейди нотиқ, — КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини ва Никита Сергеевич Хрушчевнинг Пленумда қилган нутқини зўр қизиқиш билан бир оғиздан маъқуллаб кутиб олдилар.

Пленум қарорлари шаҳар меҳнаткашларининг ижодий активлигини ошириб юборди. Ҳаммамизга маълумки, халқнинг бахти ва саодати ҳақида ғамхўрлик қилиш ленинча партия ва унинг Марказий Комитетининг асосий мақсадларидан биридир. Тошкентнинг 50 минг кишилик коммунистлари КПСС Марказий Комитети вакиллари билан Хитой коммунистик партияси Марказий Комитети вакилларининг учрашуви ҳақидаги КПСС Марказий Комитетининг қарорини яқдиллик билан маъқулладилар. Шунингдек Марказий Комитет Президиуми ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчевнинг бутун дунё коммунистик ҳаракат кучларининг бундан кейинги ҳамжиҳатлигига қаратилган сиёсий фаолиятини маъқулладилар. КПСС Марказий Комитети Президиумининг ХКП Марказий Комитети билан ўзаро муносабатларда кўрган барча конкрет чора ва тадбирларини қўллаб-қувватладилар. Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва бошқа қардош партиялар шаънига Хитой Коммунистик партияси раҳбарлари томонидан айтилган асоссиз ва бўҳтончиликдан иборат бўлган ҳужумларини қатъий равишда қоралаймиз.

Ўзбекистон пойтахти коммунистлари КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқидаги партия ташкилотларига, барча коммунистларга Очиқ хатини зўр қизиқиш ва яқдиллик билан маъқулладилар. Бу ажойиб ҳужжатнинг биринчи сатридан охирига ча марксизм-ленинизм руҳига содиқлик, совет халқининг манфаатларини кўзлаган ҳолда социалистик мамлакатларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш ва халқаро ҳаракатнинг бирлигини таъминлашга қаратилган. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми, дейди сўзида давом этиб Ўртоқ Архангельский, идеология ишлари соҳасида олдимизга катта вазифалар қўйди. Пленум материалларини ўқиб экансиз коммунистик жамият кишисини вояга етказиш, кишиларда коммунистик идеалларни шакллантириш, кишилар онгидаги ўтмиш сарқитларини йўқотиш ҳозирги асосий вазифалардан бири эканлигини кўрасиз.

Пропагандистлар, агитаторлар—партия ғояларини оммага етказувчилар бу соҳада ҳали жуда кўп ишлар қилишлари керак.

Тошкент шаҳар партия ташкилотида пропагандист ва агитатор деган шарафли номни пок сақлаб келаётган кишилар кўп. Тошкент тўқимачилик комбинати пропагандисти А. Пивкина тўғрисида кишилар жуда илиқ сўзларни айтадилар. Бу тиниб-тинчимас аёл партия сўзини ҳар соатда оммага етказиб туради. Ўртоқ Пивкина раҳбарлик қилган сиёсий тўгарак тингловчиларининг кўпчилиги пропагандистлар бўлиб етишдилар.

Аммо ҳали идеология фронтиходимлари орасида ўзларининг пропагандист эканликларини фақат аудиторияда ёки кабинетда ўтирганларида ҳис қиладиган, бошқа вақтларда меҳнаткашларга шахсан ўрнак кўрсатмайдиган кишилар йўқ эмас. Тошкентда 3 минг 200 га яқин партия, совет, касаба союз ва комсомол аппаратининг ходимлари бор, 8545 саноат корхонаси, қурилиш, транспорт раҳбарлари, 139 фан доктори ҳамда ўнлаб фан кандидатлари ишлаб турибди. Бироқ таассуф билан шуни айтиб ўтиш керакки, яқинда биз сиёсий маориф шохобчаларидаги ўқув йилини якунлаганимизда пропагандистлик ишларида фақат 500 партия, совет, касаба союз ва комсомол ходими, 2300 саноат корхоналари раҳбарлари ва фан арбобларидан иштирок этганлиги аниқланди.

Масалан Тошкент медицина институтида 470 профессор ва ўқитувчидан фақат 152 киши илмий ва сиёсий билимл

1893–1963 В. Маяковский

МАЯКОВСКИЙ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Буюк совет шоири Владимир Владимирович Маяковскийнинг номи шонли Октябрь бошлаб келган янги эра билан, социалистик жамият ва янги инсоннинг туғилиши билан чамбарчас боғлангандир. Шоир пролетариат диктатураси олам-шумул тарйхий ғалаба қозонган кундан бошлаб ғолиб жанговар ишчилар синфига, янги авлодга қараб:

— Менинг поэзиям —
менинг каппоним!
Нимаики қилибман,
сизники бари —
Тема-ю, қофиям,
янгроқ достоним! —

деди. У шоирни ишчи билан, шеър яратишни завод ва фабрикалардаги меҳнат билан таққослаб, «тер сиздай оққунча» меҳнат қилишга чақирди ва шеърни «коммунага мослаб ўлчаяжагини» айтди.

Маяковский рус классик поэзиясини жуда ҳурмат билан ўрганиб, гениал сўз санъаткорлари Пушкин ва Некрасовни ўзининг устозлари деб санади. Шоирда айниқса Некрасов ижодининг самарали таъсири кучлидир. Некрасов поэзиясида келажакда шаклланиши равшан сезилиб турган социалистик реализм адабиётининг айрим қуртакларини пайқаган ҳолда, ундаги қудратли эпик қўламни, чуқур халқчиллиқни қабул қилиб, совет поэзиясига олиб кирди.

Рус революцион — демократ поэзиясидаги халқчиллик ва гражданлик мотивларини зўр жасорат билан ривожлантирган Маяковский, санъаткор социалистик қурилиш билан баробар қадам ташлаш билангина қаноатланмай, ўз синфининг олдида бориши, илғор бўлиши керак, деб талаб қилди. Унингча ҳақиқий поэзия доимо ҳаёт ва ундаги воқеаларни қувуб ўтиб кетган бўлиши, разведкачи бўлиши керак. Забардаст новатор шоир сифатида Маяковский ижодига хос фазилатлар — ижтимоий масалаларга эҳтиросли партиявий муносабат, халқ ишига, мамлакат ишига бевосита аралашиб, керакли сўзни ўз вақтида айтишга тайёр туриш, ҳарқандай янгиликни дарров пайқаб, унинг моҳиятини эмоционал — шеърий воситалар билан очиб беришдан иборатдир.

Совет адабиёти эндигина майдонга келаётган йилларда гарчи ўтмишни тасвирлаш ҳақидаги тасаввур ва тажрибалар анчагина бўлсада, ҳозирги замонни, совет воқелигини тасвирлашни ўрганиш учун намуналар ҳали жуда оз эди. Ана шундай бир шароитда Маяковскийнинг социалистик тузумни улуғловчи ва тасдиқловчи оташин шеърлари барча миллий республикаларнинг адабиётга энди кириб келаётган шоирлари учун катта маҳорат мактаби бўлди.

Ўзбек совет поэзиясининг тараққиёт тарихига назар ташласак, у Маяковский традицияларининг давоми туфайли ғоявий-бадиий камолат даражасига кўтарилганини пайқаймиз.

Ўзбек совет шоирлари Маяковский симосида ўзларининг ғамхўр устозларини кўрдилар. Бу устоз социалистик реализм поэзиясининг кўп меҳнат талаб қиладиган, аммо мақсадга тўғри олиб борадиган магистрал йўлга қараб бошлади. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ғайратий, Миртемир ва бошқа шоирларнинг биринчи шеърий тўпламларини варақланса, Маяковскийча ёзишга, Маяковскийча образлар яратишга интилиш кучли бўлгани сезилиб туради.

Поэзиямизнинг байроқдори Ғафур Ғулом ўз ижодига Маяковский таъсири нақадар самарали бўлганини қайд қилиб ёзади: «Ижодимга Маяковский кучли таъсир қилган, мен Маяковскийни ўзимнинг устозим деб биламан. Букинг учун «Динамо», «Тирик қўшиқлар» тўпламларимни кўздан кечириш кифоя». Дарҳақиқат шоирнинг «Ғурксиб йўлларида», «Алкоголь», «Яловбардорликка», «Нефть» каби қатор шеърлари даврнинг энг актуал, энг муҳим темаларида ёзилган. Бу асарлар формаси жиҳатидан Маяковский мисралари сингари «зинапояли» бўлгани учун эмас, замонавий темаларда, партиявий ўткирлик билан, тўғридан-тўғри китобхонга мурожаат оҳангида ёзилгани учун Маяковскийга яқиндир.

Ойбек 30 йилларнинг бошида ёзган «Шоир Маяковский учун» шеърида Маяковский: «ойли тунда, олтин кўллар бўйида, хаёл сурган шоирлардан эмас»лигини, у инқилобнинг олов ўғли сифатида «миллионларга қалдироқдек хайқиргани», «ҳарбир сўзи бир динамит парчаси» эканини баён қилади. Маяковскийнинг жанговор чақириқ руҳидаги серилҳом асарлари Ойбекнинг қалбидан жой олади. Маяковский поэзиясидаги (юқоридаги шеърда ифодаланганидек) ҳаста лириканинг йўқлиги, лирика бирлан сиёсий публицистик поэзиянинг органик алоқада бўлиши Ойбек учун яхши ибрат бўлди. Шоирнинг «Машъала» тўпламига кирган «Темир ҳақида», «Днепрстрой», «Фанга юриш» типидаги шеърлар ана шу ибрат меваларидир.

Ўзбек совет поэзиясини яратиш ва ривожлантиришда кўп меҳнат сарфлаган Ҳ. Олимжон Маяковский таъсиридан четда қолмади. У, устоз шоирнинг ҳаётга актив аралашувидан, куннинг талабларига қулоқ солиб, унга поэтик жавоб беришидан завқланиб: «Маяковский иш кунининг энг майда, энг зарур, энг актуал масалаларигача қатнашар ва ҳар кун социализм учун бирор ижодий ишит қўяр эди», — деб ёзди. Ҳ. Олимжоннинг «Пойга» (1932) тўпламига кирган «Тарих кўрганми», «Нима бизга Америка» шеърлари, улардан кейин яратилган «Бахтлар водиси», «Маҳорат» ва бошқалар ҳаётга маяковскийчасига аралашув намуналари, деса бўлади.

Маяковскийдан ўрганиш ўзбек шоирлари учун ҳеч қачон ўткинчи қизиқиш бўлмади, аксинча доимо давом этган, бирор вақт тўхтаб қолмаган олий адабиёт курси бўлиб келди. Шоирларимиз Ватанни куйлашни, доҳимиз Ленинни ва партияни улуғлашни, империализмнинг маразларини фош қилишни, тинчлик учун, пролетар интернационализми учун курашни Маяковскийдан ўргандилар. Совет поэзиясининг бу қуёши нурларидан бахраманд бўлиб Зулфия ва Х. Ғулом, М. Бобоев ва Асқад Мухтор, Шукрулло ва С. Акбарий каби шоирларнинг ижоди камол топди. Маяковский кўп шоирларимизнинг ажралмас ҳамрохи, қаттиқ қўллик талабчан устози бўлиб яхши ишлашга ундаб келаётир.

Маяковский биз билан ҳамма вақт ҳамнафас, йўлимизни ёритиб турувчи маякдир.

Махмудали ЮНУСОВ.

СОВЕТ ПАСПОРТИ ҲАҚИДА

Бўридай ғажирдим бюрократизмни.
Ҳар хил мандатларга
йўқ менда ихлос.
Қоғозбозликни йўқ кўргали кўзим.
Қуриб кетмайдими
ҳар қандай қоғоз!
Аммо бу...
купелараро йўлакдан
Амалдор аланглаб
ташлайди одим.
Ҳужжат текширмоқда;
мен ҳам чўнтакдан
ёқут кабн албон
дафтарни олдим.
Бировдан оларкан
бужмайтар афтин,
Бировга шуни ҳам кўрмайди лозим:
Шер тамғали
инглиз паспортин
Оларкан амалдор
қилади таъзим.
«Сахий» амакига
кўз йилтиллатди,
Юз бор қуллуқ қилди,
тикилди кулиб,
Америкалининг олди паспортин,
Чой чақа ундирган қулдай
букилиб.
Афишани чайнамоқчи бўлган эчкидай,
Польша паспортига
Оч назар ташлаб
Кўзининг пахтаси чиқди,
гангиди,
Полицияга хос тўнглик билан деди:
— Бу, қандай жой,
қачондан бошлаб
Географияда бундай янгилик?
Тўнгакдай бошини —
қайириб боқмай,
Пинак бузмай,
киприк қоқмай, тин,
Даниялиларнинг ва бошқа ҳар хил
Швед-мведларнинг кўрди
паспортин.
Бирдан
бу жанобнинг буришди юзи,
Қайноқ сув оғзини
куйдирди худди:
Жаноб амалдор менинг қип-қизил
Жилдли паспортимни
қўлига тутди.
Бу унга
бомбадай кўринди,
гўё
Портлайди қўлига олиши билан,
Гўё кипритикан,
ўткир устара,
Гўё икки газли,
қирқ бошли илон.
Бир ҳоммол
қисди кўзини,
маънодор
Юкингизни
бепул бергудай ташиб.
Жандарм
жосусга
боқди сузилиб,
Жосус
жандармга қаради шошиб,
Нақ қўйиб берса-ю,
жандарм ҳузур қилиб
Роса калтакласа мени ётқизиб,
Негаки,
Қўлимда Совет паспорти,
Ўроқ-болғаси бор,
чўғдай,
қип-қизил!
Бўридай ғажирдим
бюрократизмни,
Ҳар хил мандатларга
йўқ менда ихлос,
Қоғозбозликни йўқ кўргали кўзим,
Қуриб кетмайдими
ҳар қандай қоғоз,
Аммо бу...
Оламан
кенг шим киссамдан
Бебаҳо бойлигим дубликатини,
Кўринг,
ҳавас қилинг,
гражданиман —
Мен улуғ Советлар мамлакатининг!

Асқад МУХТОР таржимаси.

СЕВИБ ЎҚИМОҚДАЛАР

В. В. Маяковский Совет социалистик поэзиямизнинг асосчиси, рус ва жаҳон шеърияти хазинасини ажойиб дурдоналар билан бойитган новатор шоирдир.

Бошқа қардош халқлар адабиёти сингари ўзбек совет адабиёти тараққиётида ҳам Маяковскийнинг таъсири шубҳасиз улкандир. Кўплаб ўзбек шоирларига устоз бўлган оташин куйчининг асарлари ҳозирги кунда халқимиз орасида кенг тарқалиб, севилиб қўлмоқда. Отахон шоирнинг деярлик ҳамма шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган. Маяковский шеърларини ўзбек ўқувчиларига етказишда шоирларимиздан Ғафур Ғулом, Шайхзода, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Миртемир, Султон Акбарий, Жуманиёз Жаббороларнинг хизмати катта. Шоир Асқад Мухтор томонидан таржима қилинган «В. И. Ленин» поэмаси ўзбек шеърхоналарининг энг севимли асарига айланган. Маяковскийнинг «Совет паспорти ҳақида», «Мажлисбозлар», «Сўл марш», «Ўртоқ Неттега, пароход ва инсонга», болаларга аталган «Яхши нима-ю, ёмон нима», «Ким бўлсам экан?» каби жозибали, енгил усулда ёзилган шеърлари кенг ўқувчилар оммаси оғзига сингиб кетган.

Шоирнинг «В. И. Ленин», «Жуда соз»каби поэмалари, «Ким бўлсам экан?», «Яхши нима-ю, ёмон нима» каби шеърлари айрим китобча ҳолида нашр этилган. Унинг «Танланган асарлар» тўплами 1956 йили 25 000 тиражда босиб чиқазилди. Тўпламга шоирнинг энг яхши шеърлари, поэмалари ҳамда «Мен кашф этган Америка» номли асари киритилган.

Яқин йиллар ичида Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти талантли совет шоирининг икки томлик асарлар тўпламини нашр этиб, ўзбек ўқувчиларига тақдим этди.

А. ЮСУПОВ.

УЛКАН ШОИР

ЛЕВ КАССИЛЬ,
ёзувчи.

1917 йил октябрида, эндиликда жаҳон тарихига мансуб бўлиб қолган кунда Петроград ишчилари, қизил гвардиячи солдатлари ва Болтиқ денгизчилари Керенскийнинг Вақтли ҳукумати ўзининг сўнгги таянчи деб билган Қишки саройни қатъий штурм қилишга кетаётганларида сарой майдони узра пулеметларнинг шовқуни орасидан минглаб кишилар бошлаб юборган шўх ва ғазабли қўшиқ янграб эшитилди.

«Ананас егин, қуш гўштини
чайнагил, хой
Сенинг ажалинг етди, билиб
қўйгин, бой!»

Бу қўшиқни тарихий ҳужум бошланишидан сал олдин ёш шоир Владимир Маяковский тўқиган эди.

Улуғ Октябрь революциясининг биринчи голибона хайқиригидаёқ Маяковский шеърий мисраларининг шўх оҳанги қулоқни қоматга келтирувчи овозга қўшилиб кетди.

Маяковскийни социалистик революциянинг буюк шоири деб атайдилар. Бу ҳақ гап. Бироқ бундай таъриф Маяковский истеъдодининг миқёси ҳақида, унинг жаҳон адабиёти учун новаторлик билан тўлиб-тошган ҳаҳмияти ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди. Маяковский пролетар революциясининг улуғ куйчиси бўлибгина қолмай, адабиётнинг жамият ва давлатдаги тутган мавқеига бутунлай янгича қаровчи ижодкор бўлиб танилди.

Маяковский генидл поэзиясининг бутун новаторлик аҳамияти шоир янги мураккаб қофиялар олиб киргани, қофиялашнинг ўзига хос принципини жорий қилганлигида деб ўйлаш хатодир. Ёки поэзияда Маяковский қилган революцияни эски одат бўлиб қолган шеър размерларининг бузилишидагина кўриш ёки зиналик строфа билан ёзишнинг ўзига хос усули-зинапоя сатрларда кўриш ҳам хатодир.

Йўқ, бу янгиликларнинг ҳаммаси технологик приёмлар, холос. Уларни Маяковский ҳайратомуз дадиллик билан поэзияга олиб кирди. Улар поэзия олдида турган янги вазифаларга жавоб берадиган шеърларни тўқишда энг қулай усул деб ҳисобладн.

Маяковский шеърга одатдагича муносабатда бўлишни қайта кўриб чиқишга мажбур этди. У поэзияда революциянинг фақат тасвирининагина эмас, балки шу билан бирга унинг қуролини ҳам кўрди. У ўз меҳнати билан янги революцион эстетика қонунларини тасдиқлади. Маяковский поэзия революцияга, халққа хизмат қилган вақтда, ҳаётни кўркам қилиб тузишга ёрдам берган вақтдагина чинакам гўзал бўла олади, дерди.

Бу ўринда Маяковскийнинг сурбет бир ёш шоирча билан бўлган маълум суҳбатини эслатиб ўтиш ўринлидир. Бу ёш шоирча Владимир Владимировичга ўзининг дабдабали тумтароқ шеърларини кўрсатиб, Маяковскийнинг бу шеърлар ҳақидаги фикрини эшитишни истаган эди.

— Расво, ярамас шеърлар, худди оқ гвардиячиларга ўхшайди! — деди Маяковский ўзига хос дадиллик билан авторга шеърларни жирканиб қайтариб берар экан.

Маяковский ўзининг қисқа автобиографиясида болалигидан унда яширин варақалардаги революцион шеърлар қандай таассурот қолдирганлиги ҳақида ҳикоя қилар экан, «Шеърлар ва революция миямда қандайдир қўшилиб кетарди» деб эътироф этган. Бу колегаль варақаларни катта опаси унга яширинча олиб келарди. Шеърлар билан революция Маяковский учун бир умрга бирлашиб кетди.

Маяковскийнинг ўзи рус адабиёти учун огир бўлган йилларда шеър ёзишга киришди. Бу йиллар биринчи революция маглубиятидан кейин давом этган чекиниш, умидсизлик кайфиятлари даври эди. Ҳар хил аҳмоқона реакцион мистик оқимлар гуллаётган эди. Адабий буржуа салонлари кўпайиб бораётган эди. Бу салонларда кўзга кўринган илғор демократ ёзувчи бўлган Максим Горькийни ялангоёқ ёзувчи, қўпол, кўча ёзувчиси ва тенденциоз декламатор деб ҳисоблашарди. Разил Бальмонд ва жаҳолатпараст Мережковскийлар бўлса бу ерда фахрли жойни эгаллашарди. Улар кейинчалик революцияга душман бўлган эмигрантлар лагерига ўтиб кетишган. Мана шу бўшанглик ва умидсизланиш йилларида адабиётда рус футуристларининг чиқироқ овози эшитила бошлади. Аввало шуни эслатиб ўтиш керакки, рус футуризми итальян футуризмидан кескин фарқ қилган. Итальян футуристларининг бошлиғи Маринетти манифестлари ўзларини рус футуристлари деб атаган рус шоирлари томонидан ёмон қарши олинган. Рус футуристларига ўша вақтда Маяковский қўшилган эди. Янги формаларга бўлган интилишгина Маяковскийни футуристлар билан боғлаган эди. Ўша вақтда ҳаётдаги янгича воқеалар санъат олдига қўйган талабларга бу янги формалар бирмунча мувофиқ келар эди. Маяковский гарчи футуристларга қўшилган бўлса ҳам ўзининг мустақил йўлини дарҳол белгилаб олди. Бу йўл жангчи шоирнинг, революцион шоирнинг йўли эди.

У революцияни қуроллантирувчи поэзия учун янги йўллар, янги формалар излади.

Маяковский ўзининг қисқа умри давомида Совет мамлакати халқлари ва бутун дунёга нималар ҳақида ҳикоя қилиб беришга улгурганини қисқача санаб чиқишнинг ўзи шоир қилган ишларнинг гигант миқёси ҳақида тасаввур бераолади.

Маяковский поэзияси Совет давлатининг асосчиси ва доҳисига ўлмас абадий ҳайкал бунёд этди. Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» поэмасидан кўра Ленинга муносиб бўлган ҳайкал совет санъати уёқда турсин дунё санъатида ҳам ҳалигача қўйилмаган. Гражданлар уруши ва оғир вайронгарчилик йилларида босмахона йўқлигидан иш тўхтаб қолган вақтда, қоғоз йўқ вақтда Маяковский қўлига мўйқалам олди ва бир вақтнинг ўзида ҳам плакатчи рассом, ҳам агитатор шоир, сатирик шоир сифатида ишлади.

Маяковский бутун дунё илғор поэзиясининг тараққиётига катта таъсир қила оладиган шоир бўлиб қолди.

Маяковский бундан 33 йил муқаддам вафот этди. Лекин у Совет Иттифоқининг илғор поэзияси ва бутун инсониятнинг жанговар сафида турибди. У ўзининг ўточар шеърлари туфайли биз билан бирга яшамоқда.

Суратда: Москвадаги В. В. Маяковский номли Давлат музей-кутубхонаси. 1928-1930 йилларда атоқли совет шоири ана шу уйда яшаган.

В. Косовский фоторепродукцияси.

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ ЗАРБДОР ФРОНТИ

(боши бир ва иккинчи бетларда).

Олий ўқув юртлари, техникумлар ва тўтаракларда ўқиётганлигимиз коллективимиз олдида турган барча муҳим вазифаларни тезда тушуниб олишимизга ёрдам бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқидаги партия ташкилотларига, барча коммунистларга қарата ёзган Очиқ хати коллективимизда зўр активлик билан кутиб олинди. Биз жонажон Коммунистик партия сиёсатига доимо содиқ қоламиз. У бизни зафарлардан зафарларга элтади, эртаги кунимизни ёритиб туради.

— Олий мактаблар олдида турган вазифалар, — дейди Тошкент электротехника алоқа институти ректори М. Астахов, — партиямиз XXII съезди тарихий қарорларида, КПСС Программасида, мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қонунда, Марказий Комитетнинг идеология Пленумида жуда аниқ кўрсатиб берилган.

Бу ҳужжатлар институтимиз коллективининг диққат марказида турибди. Ҳаёт партиямиз тарихий қарорларининг нақадар тўғрилигини исбот қилмоқда.

Институтимизнинг иши гоят кўп. Бу ўқув юрти Ўрта Осиёнинг барча республикалари ва Қозоғистон халқ хўжалиги учун алоқа инженерлари тайёрлаб беради. Институтимизда яхши лабораториялар, замонавий асбоб-ускуналар бор, шунингдек йирик ишлаб чиқариш базаси ва илмий тадқиқот ишлари полигонига эгамиз. Институт ўзининг саккиз йиллик тарихида 648 алоқа инженерини тайёрлаб чиқарди. Ҳозир бу инженерлар мамлакатимизнинг кўпгина саноат корхоналарида ишламоқдалар. Янги объектлар қурилишини лойиҳалаётирлар, тадқиқот ишлари олиб бораётирлар.

Биз, дейди ўртоқ Астахов «Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисида» чиқарилган қонунга асосланиб бешинчи йил ишлаётирмиз. Бу қонун ўқув-тайёргарлик ишларини яхшилашга ёрдам бермоқда. ўқувчиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этмоқда.

Институтимиз ишининг асосини юқори малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси ташкил этади. Бу соҳада профессор-ўқитувчилар составининг сифати катта роль ўйнамоқда. Айниқса студентларни танлашга ҳаммадан кўп эътибор бераётирмиз. У шундай йўл билан амалга оширилади — биринчи йил студентлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийдилар. Шу вақт ичида қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, ҳар бирининг меҳнатсеварлик даражасини белгилаш, унинг интилишини билиш мумкин бўлади. Институтга тасодифан кириб қолган, келажакда ўз касбига меҳр-муҳаббати бўлмаган ёшлар тезда ўзлари танлаган йўлнинг хатолигини сезиб оладилар ва бошқа олий ўқув юртига ўтиб кетадилар. Алоқачи ихтисосини чинакам севган кишиларгина институтимизда қолишади.

Ҳозирги вақтда ҳар бир кафедра, бўлим, факультет, жамоат ташкилотлари ва ректорат ўтган ўқув йилининг якунларини чиқармоқда ҳамда ишни яхшилаш, янги резервлардан фойдаланишнинг йўлларини белгиламоқда. Буларнинг ҳаммаси институтимиз коллективига КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини амалга ошириш соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда ёрдам беради.

Октябрь район партия комитетининг секретари **Р. Н. Бобожонова** шундай деди:

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқида, ўртоқ Л. Ф. Ильичевнинг докладида, июнь Пленумининг материалларида партиямизнинг коммунизмнинг актив қурашчиларини тарбиялаш тўғрисида қилаётган гамхўрлиги ўзининг ленинча ёрқин ифодасини топди, идеология ишининг асосий йўллари аниқлаб берилди.

Районимизда, давом этади ўртоқ Бобожонова, партия ташкилоти ишлаб чиқариш коллективлари фаолиятини социалистик мусобақанинг янги формаларини ривожлантириш, меҳнаткашларнинг кўпчилик қисмини, шунингдек бригада ва бутун цехларни коммунистик меҳнат учун ҳаракатга моҳирона жалб қилаётганлигини, илғорлар тажрибаси кенг оммалаштириладиганлигини кўрсатиб берадиган мисоллар оз эмас.

Шу билан бирга ишимизни синчиклаб анализ қилсак шу нарса маълум бўладики, ҳали районимизда план топшириқларини ўринлатмаётган завод ва фабрикалар ҳам бор. Қолоқликнинг сабаби шундаки, бундай корхоналарда ташкилотчилик ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ишлари маъмурий йўллар билан амалга оширилади. Мусобақалар расмиятчилик учун ташкил этилади, бу мусобақаларнинг натижалари чиқарилмайди, илғорлар тажрибаси оммалаштирилмайди.

Охунбобоев номли фабрикада ҳудди шундай аҳволни кўрамиз. Корхона директори Богдасаров ва партия ташкилотининг секретари Турсунов ўртоқлар ишчиларнинг турмуши билан қизиқмадилар, кишилар билан ишламай қўйдилар. Оқибатда фабрика план топшириқларини муттасил бажармайдиган бўлиб қолди. Район партия комитети бюроси уларни ишдан бўшатишга мажбур бўлди.

Ўзига топширилган участкага яхши раҳбарлик қилиши учун ҳар бир партия, комсомол, касаба союз ташкилотининг ходими, шунингдек хўжалик раҳбари гоят қатъиятлик билан ўз ғоявий ва сиёсий савиясини ошириб бориши, партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатидан хабардор бўлиши лозим.

Идеология ишининг формалари ва воситалари ҳақида гап кетганида биринчи галда корхоналар раҳбарларининг ишчилар билан энг муҳим ва актуал масалалар бўйича ўтказаётган жонли суҳбатларини, савол-жавоб кечаларини, тематик кечаларни, радио эшитишларини биргаликда тинглаш, спектакль ва кинофильмларни кўриб, сўнг фикр алмашичиш каби ишларни тилга олмасдан бўлмайди. Шу муносабат билан «Ленинча жумаликлар» ўтказиш ҳақидаги ижобий ташаббусни алоҳида таъкидлаш керак. Бундай жумаликлар меҳнаткашлар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Минбарда саноат область комсомол комитетининг секретари **Н. Барков.** У айтдики:

Областимиз йигит ва қизлари Марказий Комитет пленуми қарорларини партиямизнинг ёшлар тарбияси ҳақида қилаётган кундалик ғамхўрлигининг ёрқин ифодаси сифатида қабул этдилар.

Ёшларимиз катта ва ажойиб ишлар билан чинакамига шуғулланмоқдалар. Сўнгги йиллар ичида саноат корхоналарида, қурилишларда минглаб ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари вояга етди. Уларнинг меҳнати бизга коммунистик келажак йўлини кўрсатиб турибди. Масалан, Ўзбекистон металлургия заводи мартен цехи комсомол комитетининг секретари Владимир Емец меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ва илғор иш методларини қўлланиш ҳисобига ҳар 25-эритмани тежалган вақт ичида тайёрлашга қарор қилди. Шу туфайли у йил охирига қадар пландан ташқари 800 тонна пўлат тайёрлаш мажбуриятини олди.

Бу ташаббусни бутун коллектив қўллаб-қувватламоқда. Мана шу ташаббуснинг қўллаб қувватланиши натижасида заводда пландагидан ташқари бир неча минг тонна пўлат ишлаб чиқариш имкони туғилади.

Ҳозирги вақтда 45 минг ёш ишчи ўз комплекс планини ишлаб чиқиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, смена топшириғини 6 соатда бажариш учун мусобақага қўшилгандир.

Ҳаётимизда ва меҳнатда Ленин томонидан тузилган ва ғалабалар туфайли қўлга киритилган Коммунистлар партияси қудратли куч ва йўлчи юлдуз бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Агар бугун комсомол-ёшлар ўз шонли ишлари билан фахрланса-лар коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, коммунистик келажак кишисини тарбиялаш туфайли қувонсалар, бунинг учун жонажон Коммунистик партиядан, унинг ленинча Марказий Комитетидан ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчевдан кўп миннатдордирлар.

Ҳар бир ўтган кунимиз бизни коммунизмга яқинлаштирмоқда. Кундан-кунга комсомол ташкилотлари олдида ахлоқ кодекси талаблари шахсий эътиқодга айланиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан областимиз комсомол ташкилотлари ишини кўриб чиқар эканмиз тан олиш керакки, ҳали биз бу соҳада кам иш қилганмиз, қозатилган натижаларга эришаётганимиз йўқ. Ҳеч сир эмаски, айрим жойларда ишчилик қисмида бўлса ҳам, текинхўрлик, ўғрилик, безорилик сингари ахлоқсизлик фактлари рўй бериб туради.

Бундай камчиликларнинг содир бўлишига асосий сабаб, аввало ишимиз услубидаги нуқсонлардир. Область комсомол комитети шаънига айтилган танқид фаолиятимизда ҳануз жиддий камчиликлар борлигини тасдиқлайди.

Биз ишёқмас ва текинхўрларга қарши курашда оқлаб бўлмас даражада муросага йўл қўйиб келмоқдамиз. Уларни меҳнатга жалб қилиш ва мажбурий кўчиришдек ўзимизга бериб қўйилган ҳуқуқлардан ёмон фойдаланмоқдамиз.

Ёшларни тарбия қилиш — фақатгина партия ва комсомол ташкилотларининггина эмас, балки хўжалик раҳбарларининг ҳам ишидир. Бу масалани биргаликда ҳал этиш, ўсиб келаётган авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш принципларига амал қилиш керак. КПСС Марказий Комитети идеология Пленуми олдимизга ана шундай вазифалар қўйди.

Актив йиғилишида саноат область партия комитетининг секретари **Х. Р. Мусахонова,** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари **И. М. Нажесткин** ва Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Қ. М. Муртазоев** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Актив йиғилиши КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг «Партиянинг идеология иши соҳасидаги навбатдаги вазифалари» ҳамда «КПСС Марказий Комитети вакилларининг ХКП Марказий Комитети вакиллари билан бўладиган учрашуви тўғрисида»ги қарорларини яқдиллик билан тўла маъқуллади.

Область ва шаҳар партия активининг йиғилиши, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқининг партия ташкилотларига, барча коммунистларга очиқ хатини тўла ва яқдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **Р. Н. Нишонов** ўртоқлар иштирок этдилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 19 ИЮЛЬ, 1963 ЙИЛ.

Бу сурат «Ёш ўлкашунос» тоғ туристик лагерида олинган. Лагерь Юқори Чирчиқ районидаги хушманзара Қорамқул қишлоғига жойлашган. Бу ерда 200 дан ортиқ ёш туристлар ёзги таниқулни ўтказишмоқда. Улар орасида суратда сиз кўриб турган Тошкентдаги 65-мактабнинг ўқувчилари (чапдан) А. Мирзаев, М. Обидов, Н. Селезнева ва С. Раҳматуллаевлар ҳам бор. О. Леван фотоси.

ХУШХАБАР ЭЛЧИЛАРИ

Чексиз фазода чарх ураётган космонавтлар билан ҳам, қўшни шаҳарда яшаётган дўстингиз билан ҳам ҳозир истаган вақтда сўзлашибгина қолмай, бетма-бет туриб дийдор ҳам кўриша оласиз. Гаплашишга вақтингиз бўлмаса, эрталаб икки энлик телеграмма юборсангиз беш-олти соатда адресига бориб тегади. Ёки почта қутисига бир дона хат ташланг. Узоқни яқин қилувчи алоқачилар дарҳол ҳожатингизни чиқаради.

Биргина пойтахтимиздаги шаҳар алоқа хизмати бўлими ходимлари ҳозирги кунда 550 та ташкилот, муассаса ва корхонага намунали хизмат қилмоқдалар. Улар адресига ҳар куни 3 тоннадан ортиқ корреспонденция, газета ва журналлар келиб тушади. Аҳоли яшайдиган пунктлар учун келаётган хатхабарлар бундан ҳам кўп. Шунинг учун ҳам меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети почтальонларга қулайлик туғдириш ва бундан буён почтани эгаларига барвақт етказиб бериш мақсадида абонемент алоқа шкафчалари тармоғини кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Энди кўпқаватли турар-жой биноларида асосан жамоатчилик йўли билан почта шкафчаларини яна ҳам кўпроқ ташкил этмоқ керак. Бу почтальон вақтини тежайди ва унга аҳоли учун унумли хизмат кўрсатиш имконини туғдиради. Шу кунгача уй комитетларининг маблаги билан 1100 тадан ортиқ шкафчалар ўрнатилди. 13 минг оила ўзларига келган хат-хабар ва газета-журналларини ана шу шкафчалардан олиб турибди. Ҳозир почтальонлар ихтиёрига 60 та мотоцикл ва мотороллер ҳамда 1000 та велосипед бериб қўйилган.

Қишлоқ аҳолисига ҳам алоқа хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. Тайинлаб қўйилган районлараро контролерлар ишни янгича ташкил қилиб нуқсонларни бартараф қилмоқдалар. Биргина Юқори Чирчиқ районига тайинланган районлараро контролер П. Малишев 42 та алоқа бўлимига хизмат қилмоқда. П. Малишев область алоқа бошқармаси томонидан тасдиқланган план асосида ишлайди. Ҳар кварталда барча бўлимларни бир-бир айланиб чиқади. Планларнинг бажарилиши, тарифларнинг тузилиши, қимматбаҳо почталарнинг сақланишини назорат қилади. Контролер хонадонларда ҳам бўлиб, матбуот, пенсия пули, хат-хабарларнинг вақтида етказиб берилишини ҳам текширади. П. Малишевнинг ёрдами билан районда бешта алоқа бўлими очилди, таянч пунктларида 17 та шкафчалар ўрнатилди. Бу тадбирлар почтальонларнинг ортиқча овора бўлишига чек қўйди, обуначиларнинг газета-журналларни 2-3 соат барвақт олишларига имкон туғдирди.

Алоқа ходимлари ва бўлимларининг энг илғорлари коммунистик меҳнат бригадалари номини олишга муяссар бўлмоқдалар. Коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган икки минг кишилик Тошкент почтамтида ҳозир уч участка, 37 алоқа бўлими ва 36 бригада бу юксак ном билан аталмоқда. Пойтахтдаги 15 алоқа бўлимига намунали иши учун коммунистик меҳнат бўлими номи берилди.

М. ЗАРИПОВ.
Ж. НОСИРОВ.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

СССР, АҚШ ва Буюк Британия вакиллари ўртасида фикрлашув давом этмоқда

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, АҚШ давлат секретарининг ўринбосари А. Гарриман, Буюк Британиянинг фан ва техника масалалари билан шуғулланувчи министри лорд Хэйлшем ва уларнинг кенгашчилари 17 июлда яна учрашдилар ҳамда атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисида битимнинг баъзи моддаларини тайёрлашда илгари силжишга муваффақ бўлдилар. Улар бир-бирларини қизиқтирувчи бошқа масалалар устида ҳам фикрлашиб олдилар.

Эндиги учрашув 18 июлда ўтказилади.

ГДР ДЕЛЕГАЦИЯСИ СССРГА КЕЛДИ

Совет Иттифоқи ҳукумати билан Германия Демократик Республикаси ҳукумати ўртасида бўлган келишимга мувофиқ Германия Демократик Республикасининг ҳукумат делегацияси 17 июлда Москвага келди. Делегация Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Л. Больц, Германия Демократик Республикасининг миллий мудофаа министри армия генерали Х. Гофман, Германия Демократик Республикасининг йўллар министри Э. Крамер, Германия Демократик Республикасининг молия министри В. Рупф, Германия Демократик Республикаси ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари О. Винцер ва шунингдек экспертлар группасидан иборат.

Германия Демократик Республикасининг ҳукумат делегацияси ҳар иккала томонни қизиқтирувчи ташқи сиёсат масалалари устида Москвада маслаҳатлашиб олади. (ТАСС).

КУБА ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ ТУЗИЛДИ

ГАВАНА, (ТАСС). Бу ерда Куба журналистлар союзи тузилди. 15 июлда Гаванада бўлиб ўтган журналистларнинг ташкилий миллий ассамблеяси Куба журналистлар союзи уставини маъқуллади ва унинг 25 кишидан иборат раҳбар кенгашини сайлади.

Куба Журналистлар союзининг президенти қилиб Онорио Муньос, вице-президенти қилиб Эрнесто Вера сайланди.

Куба журналистларининг миллий ассамблеяси Куба журналистлар союзининг Халқаро журналистлар ташкилотига кириши ҳақидаги таклиф билан маъқуллади ва журналистларнинг шу йил сентябрь ойида Ўрта денгиз районида ўтказиладиган ҳалқаро учрашувини қизғин қўллаб-қувватлади.

Миллий ассамблеянинг тантанали ёпилишида Куба журналистлар союзининг президенти Онорио Муньос ва Халқаро журналистлар ташкилотининг секретари Сепп Фишер сўзга чиқди. Онорио Муньос тузилган ташкилотнинг программ баёнотини ўқиб эшитирди.

Республика президенти Освальдо Дортикос революцион Куба журналистларининг вазифаларига бағишланган нутқ сўзлади. У Кубада социалистик қурилишни амалга оширишда матбуотнинг муҳим роль ўйнашини нўрсатиб, бу нарса матбуот ходимлари зиммасига жуда катта масъулият юклашини уқтириб ўтди. Матбуот, деди у, халқнинг, ишчилар синфининг қўлидадир, у меҳнаткашлар оммасига хизмат қилиши керак.



Германия Демократик Республикасидаги Эйзенхюттенштадт шаҳридаги «Ост» металлургия комбинати чўян ва пўлат ишлаб чиқарувчи йирик комбинат ҳисобланади. У СССР рудаси ва Польша давлатининг кўмири билан ишлайди.

Суратда: «Ост» комбинатининг домна печи.

В. Егоров фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ИНДОНЕЗИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

МОСКВА, 17 июль. (ТАСС мухбири). Индонезия Республикасининг министри — давлат полициясининг бошлиғи Сукарно Жойонегоро бизнинг мамлакатимизга келиб меҳмон бўлиб турибди.

Индонезиялик меҳмон бугун Москвадан Тошкентга жўнаб кетди. У, Ленинградни ҳам бориб кўради.

Халқ Руминиясининг муваффақиятлари

БУХАРЕСТ, (ТАСС). «Скинтейя» газетаси давлат план комитети тузилганлигининг 15 йиллигига бағишланган мақоласида бундай деб ёзади: Руминияда хўжаликнинг план асосида юргизилганлигининг 15 йили ичида саноатнинг қора металлургия, машинасозлик сингари тармоқлари, химия ва энергетика саноати кенг ривож топди. Руминия халқ Республикаси иқтисодий потенциалининг ошганлиги, деб таъкидлайди газета, миллий даромаднинг тез ўсишига таъсир кўрсатмоқда. Миллий даромад 1962 йилда 1948 йилги даражадан 4-7 баравар ошди.

Иқтисодий тараққиёт соҳасида эришилган муваффақиятлар, деб давом эттиради «Скинтейя», социалистик мамлакатлар ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам муносабатлари билан чамбарчас боғлангандир. Иқтисодий планларнинг мувофиқлаштирилиши, халқаро социалистик меҳнат тақсимоти принципларини қўлланилиши барча социалистик мамлакатларнинг даражасини бараварлаштириш учун, уларнинг иқтисодий ҳамкорлигини узлуксиз кенгайтириш учун шароит яратиб беради.

Англиянинг ошиғич „ёрдами“

АФИНА, 17 июль. (ТАСС). «Неа» газетаси хабар беради: Дамашқдан олинган маълумотларга қараганда, Англиянинг Сурия̂даги элчихонаси инглиз ҳарбий самолётларининг Ироқ̂ка Сурия территориясидан учиб ўтишига рухсат беришни сўраб, Сурия ҳукуматига мурожаат қилган. Дамашқ манбаларидан олинган маълумотларда айтилишича, Англия самолётлари Шимолий Ироқда курдларга қарши ҳарбий операцияларда қатнашади.

Англия самолётлари, дейилади Дамашқдан олинган хабарларда, Кипрдаги ҳарбий базалардан вақти-вақти билан Ироққа учиб бориб, Эрондаги ҳарбий аэродромга қўнади. Сурия ҳукумати Ироқ ҳукумати билан келишиб рухсат олмасдан ҳам инглиз самолётларининг учишига розилик берган.

ЯНГИ БЎЛИМЛАР

Идеология ишлари коммунистик жамият қурилишининг жанговар фронтига айланган ҳозирги вақтда ёшларни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, айниқса олий ўқув юртлари коллективлари зиммасига кўпгина муҳим вазифалар юклайди.

Ўқув-тарбия ишларини тағин ҳам яхшилаш ва жонлантириш тадбирларини кўраётган В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети коллективи студентларга яхши билим бериш, партия сиёсатини чуқурроқ сингдириш мақсадида қатор амалий тадбирлар белгилади. Янги ўқув йилидан бошлаб университетдаги кафедралар сафига янги иккита бўлим қўшилади.

Илмий коммунизм асослари деб аталган бўлим ҳозир янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Бўлим томонидан ўқув программаси ҳам ишлаб чиқилди. Шунингдек, университет тарих факультети ҳузурида философия бўлими иш бошлайди.

Ҳар иккала бўлим тажрибали профессор-ўқитувчилар билан тўла таъминланди. Машғулотларнинг ўқув программаси ишлаб чиқилди.

Бу бўлимларнинг ташкил этилиши КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларига амалий жавобдир.

А. АКБАРОВ.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИ

„ЎЗБЕКИСТОН СОЦИАЛ ТАЪМИНОТИ“

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлигининг журнали «Ўзбекистон социал таъминоти»нинг навбатдаги 3-сони босмадан чиқди. Унинг дастлабки саҳифаларида Ўзбекистон ССР социал таъминот органлари ходимларининг республика кенгаши ҳақида ахборот ҳамда кенгаш қатнашчиларининг сўзлаган нутқлари, шунингдек социал таъминот ишларини янада яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган социалистик мажбуриятлари эълон қилинган.

«Социал таъминот ходимларининг область кенгашлари» рубрикаси остида М. Отажоновнинг «Яна бир янги ташаббус», М. Ихтиёров, Ш. Муминовнинг «Нуқсонларга йўл қўймайлик» сарлавҳали мақолалари босилган.

«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги олдидан» рубрикаси остида А. Содиқовнинг «Ўзбекистонда социал страхование ва социал таъминотнинг ривожланиш тарихидан», М. Нуритдинов, Р. Кўчаровнинг «Меҳнат кишини улуғлайди», В. Маҳкамов, Р. Исҳоқовнинг «Ҳаммамизга намуна» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **В. Маяковский — болаларга** (В. В. Маяковский туғилган куннинг 70 йиллигига). 18.25 — В. В. Маяковскийнинг **«В. И. Ленин» поэмаси** бўйича телекомпозиция. 19.05 — **Телевизион янгиликлар.** 19.20 — **«Жазо»** (У. Назаров ҳикояси асосида телеинсценировка, ёшлар учун). 19.50 — **Меҳнат кишиси — адабиётнинг асосий темаси.** 20.00 — **Эртанги эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.05 — **Пойтахтимиз меҳмонлари, танаффус вақтларида — Телевизион янгиликлар ва Спорт фотографиялари.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Уч мушкетёр (1 ва 2-серия) — «МИР» (кеч соат 5 ярим ва 9 да). НАВОИЙ номли (кундуз 1 ярим ва кеч 6-40 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб 9 ярим ва кеч 6 яримда), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Тилла тиш — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 1, 3 ва кеч 10 да), «СПУТНИК» (кундуз 4 ва кеч 6 да), «ВОСТОК», (кундуз ва кечқурун).

Арафада юз берган воқеа — НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Уч баҳо — «ВАТАН», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Йўл юрсак ҳам, мўл юрдик — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 1-45 минут ва 3 яримда).

Узоқ умр кўриш сири — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 1 дан).

ЁЗГИ БИНОДА:

(Кеч соат 9-15 ва 10-45 минутда)

Уч мушкетёр (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли. ТЕЛЬМАН номли, «ШАРҚ», «МЕҲНАТ».

Йўл юрсак ҳам, мўл юрдик — «ФЕСТИВАЛЬ», «РАКЕТА».

Катта ҳаёт — «ВАТАН».

Учинчи тайм — «ПАХТАКОР».

Уч баҳо — КАФАНОВ номли.

Сўнмас ҳаёт — «УДАРНИК».

«Варяг» крейсери — «ПОБЕДА».

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ

Биз, икки эркак

НОМЛИ КИНОПОВЕСТЬ

Сценарий автори — **Анатолий Кузнецов.**
Постановкачи — **Юрий Лисенко.**
Оператор — **Сергей Лисецкий**

Бош ролларда: **Василий Шукшин, Валерик Король.**
А. П. Довженко номли киностудия ишлаган.

Подшо марҳамати

Сценарий автори — **К. Зидаров.**
Режиссёр — **С. Сирчажиев.**
Оператор — **Г. Славчев.**
Ролларда: **И. Дмитрова, И. Димов, М. Е. Колев, А. Банржиева, Л. Ботева, Ц. Кандовлар** қатнашади.
Болгариянинг Бадиий фильмлар студияси ишлаган.

Аблаҳлар тўдаси

НОМЛИ КИНОПОВЕСТЬ

Сценарий авторлари — **Тальони, Карминео.**
Режиссёр — **Фабрицио Тальони.**
Оператор — **Альдо Жордани.**
Ролларда: **Паскаль Пети, Рожер Мур, Карл Шелл** ва бошқалар қатнашади.

Француз-итальян студиялари биргаликда ишлаган.

Ансельминнинг ҳалокати

НОМЛИ КЕНГ ЭКРАНЛИ ФИЛЬМ

Аргентинанинг «Текуара» студияси ишлаган.

Чилонзор кўчаси, 4-тупик, 49-уйда турувчи **Тўхтахон Иброҳимовнинг** Катта-боғ кўчаси, 4-тупик, 19-уйда турувчи Муҳайё Иброҳимовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Самарқанд-дарвоза кўчаси, Термиз проезд, Дучор тупик, 34-уйда турувчи **Ҳамдам Раҳимовнинг** Уста Олим кўчаси, 83-уйда турувчи Муборак Раҳимовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область Калинин район халқ судида кўрилади.

Чилонзор массив, 131-уй, 18-квартирада турувчи **Муҳаррам Мирзаеванинг** шу уйда турувчи Абдухолиқ Мирзаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

2-Спутник кўчаси, 15-уйда турувчи **Салоҳ Самариддинович Зайниддиновнинг** Чигатой кўчаси, Омонат проезд, 2-тупик, 10-уйда турувчи Ҳалима Алимжоновна Мирзажоновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Овчи блокнотидан

ТЎНГАК ЁНИДА ЖАНГ

Мен яшириниган жой бутанинг илдизга яқин ерига қурилган саъва ичининг шундай ёнгинасида эдим. Кулранг майин пати чиққан чўшчалар яққол кўзга ташланиб турарди. Она саъвалар бирин-кетин тумшуқларида ўлга пашша, қурт ва бошқаларни ташмалашарди.

Шунга маҳлиё бўлиб кетиб, бошқа ҳеч нарсага эътибор қилмапман. Дабдурустдан ён томонимда ўтлар орасида алланимадир шитирлаб, жаҳл билан пишқирди. Бута навдаларини эҳтиёткорлик билан нари-бери сурдим. Мендан йигирма қадамча наридаги тўнгак ёнида типратикон депсиниб турарди.

«У нимага жаҳл қилянти ўзи?» — қизиқсиндим мен.

Шу пайт кутилмаганда типратикон орқа оёқларида туриб олиб, чийиллаб у ёнидан бу ёнига оҳиста тебрана бошлади. Сўнг тўнган атрофини югуриб айланиб чиққач, яна боғлиқ қилигини такрорлади.

Менга, типратикон қандайдир аломат ўйинни ижро этаётгандай туйилди. Нега шундай қилаётган экан-а? Синчиклаб қарасам, стол сиртидан теп-тенис тўнган устида заҳарли илон кулча бўлиб ётибди.

Ниҳоят илон бошини кўтарди. Даҳшат билан вишиллади. Унинг катта очилган оғзида қора ип учидек кўшалоқ тили тез-тез ҳаранатланарди, юқори жағида иккита ингичка тиш кўринарди.

Мана, ғазабланган типратикон ҳужумга ўтди. Майда тишли жағини нериб тўнган ёнига дадил югуриб борди, аммо ўша заҳоти унинг ўткир тумшуғи рўпарасида илоннинг боши пайдо бўлди.

Кейинги ҳамладан сўнг типратикон бир томонга юмалоқ-ёстиқ бўлиб кетди. Шу заҳоти илон бир зумда ўтлар орасида кўздан йўқолди. Рақиби уни тез нишонга олди.

Типирчилаш овози эшитилди. Мен яшириниган еримдан сакраб туриб, югуриб боргунимча у ерда бўлар иш бўпти: илон бамисоли узун тасмадек ўт орасида зўрга тўлғанарди, типратикон бўлса унинг бошини тишлари орасига олиб, ерга босиб турарди.

Типратиконга ҳалал бермаслик учун бута орқасига чекиндим ва тўнгак атрофида ўйин тушишга уни нима мажбур қилдийкин? деб ўйлаб қолдим. Маълум бўлишича, типратикон у ёқ-ўдаги илонга «тиринмикан ўзи?» деган шубҳа билан қараган ва жангга киришишдан олдин уни «уйготишга» қарор қилган.

Бизга наша қилди: балки типратикон «ётганни урмайдилар» деган қоидага риоя этдиминкан?..

П. СТЕФАРОВ

Суми шаҳри.
(«Сельская жизнь» дан).

ТЕАТР „БИРИНЧИ МУҲАББАТ“

Пойтахтимизда ўз гастролларини давом эттираётган Ҳамид Олимжон номли Самарқанд область музикали драма ва комедия театри Тошкент меҳнаткашларига қардош татар драматурги Хай Вохитнинг «Биринчи муҳаббат» номли драмасини кўрсатди.

Драматург бир совет оиласи мисолида замонамиз учун ниҳоятда муҳим бўлган темалардан бири — коммунистик ахлоқ темасини кўтариб, уни чуқур ва кенг миқёсда ҳал қилган. Асардаги воқеалар, қаҳрамонларнинг бошдан кечирганлари фақат қардош татар халқига эмас, ҳамма миллат вакилларига, умуман ҳар бир инсонга тааллуқлидир.

Спектаклда кучли драматизмга тўлган саҳналар кўп. Шунинг билан бирга психологик бу драма халқ юмори билан бойитилган. Унда сатирик элементлар ҳам мавжуд. Бироқ юмор ҳам, сатира ҳам томошабинни атайин кулдириш мақсадида киритилган эмас, балки улар асарнинг гоявий мазмунидан келиб чиққан. Асар ўзининг муҳим темаси билангина эмас, балки бадиий мукаммаллиги билан ҳам Самарқанд театрининг эътиборини жалб этган ва коллектив республикамизда биринчи бўлиб уни саҳналаштирган. Драманинг мазмуни қуйидагича:

Узоқ қишлоқдан районга мактаб директори Салим Гараевич олдига 17—18 яшарли Талъат номли йигит келади. У онаси вафоти олдидан ёзиб қолдирган хатни Салимга топширади. Лекин ўзи хатда нималар ёзилганидан хабарсиз. Салим хатни ўқиб, биринчи хотини ўлганлигини ва Талъат ўз ўғли эканлигини билиб, қаттиқ ҳаяжонланади. Бироқ Талъатдан ўз ҳаяжонини яширади. Салимнинг қизи Роҳила Талъатга кўнгил қўяди ва етимча йигитни ўз уйларида олиб қолишни отаонасидан сўрайди. Ўғай она дастлаб қаршилик кўрсатади, лекин кундоши вафот этганлигини билиб, Талъатни ўз ўғлидек суяди. Талъат биринчи келган куниёқ колхозга чўпон бўлиб ишга киради. Кунлар ўтаверади... Салим ҳар хил йўллар билан ўғлининг кўнглини кўтаришга, уни ўзига мойил қилишга, унинг олдида ўз гуноҳини ювишга ҳаракат қиладi. Талъат Салим — ўз отаси эканлигини ҳамон билмайди. Лекин унинг яхши муносабати туфайли, уни онасининг энг яқин дўстларидан бири ясан деб ҳисоблаб, астойдил ҳурмат қиладi. Кунларнинг бирида Салим Талъатнинг қалбини синамоқ учун ундан — отанг мендек киши бўлишини истармидинг деб сўрайди. Талъат — отам сиздек яхши одам бўлолмайди, чунки у онам билан мени кўп азоб уқубатларга солган, онамнинг бевақт ўлишига сабабчи бўлган бағритош ва разил киши, деб юрагидаги бутун ҳасратини айтади. Бу сўзларни эшитган Салим сирни очишга журъат қилмайди, ўзи эса қаттиқ қайғиради. Ўтмишда қилган гуноҳлари учун ўз-ўзини қойийди...

Кунлар ўтаверади... Талъат билан Роҳила бир-бирини қаттиқ севиб қоладилар. Роҳилага уйланмоқчи бўлиб, ўқитувчи Усмон унинг кетидан юради. Лекин Салим ўз қизини Усмонга бермоқчи эмас. Роҳиланинг онаси — Комила ая эса Усмоннинг ташқи қиёфасига мафтун бўлиб, Талъатдан кўра уни кўпроқ ёқтиради ва унинг кўнглини тўлдириш учун уйга сирни очиб ташлайди яъни Салим ва Талъат ота-ўғил эканликларини айтиб қўяди. Усмон Роҳилани ЗАГСга судрайди. Лекин қиз ундан юз ўгиради. Усмон Роҳилани Талъатдан айратиш мақсадида сирни қизга айтади. Кўнгил умидлари пучга чиқканидан хафаланган Роҳила бу сирни Талъатга айтиб қўяди. Ниҳоят, Салим сирни батамом очиб ташлаб, ўз гуноҳлари учун ўғлидан кечирим сўраади. Лекин Талъат кечирмайди. У яна юрагидаги дардларини, ёшлигида «ота» деб ишини орзу қилганларини, унинг суюшларига зор-зор бўлганлигини, бир умр отасини танимай келганлигини айтади ва ўз сингляси Роҳилани севиб қолганлигидан афсусланиб қишлоқдан бутунлай кетмоқчи бўлади. Бироқ Комила ая яна бир сирни — Роҳила уларнинг асраниди қизи эканлигини билдиради. Роҳила билан Талъат яна топишади. Шундай бўлса ҳам Талъат ўз отасини кечирмай, уни ерга этади.

Асарнинг мазмунидан кўриниб турибдики, драматург Винсон ва унинг виждони ўртасидаги курашни асосий конфликт қилиб олган. Асарнинг бош қаҳрамонлари озми-кўпми ҳар хил шаклда ўз-ўзларида ички кураш олиб борадилар. Бундан ташқари асарда ноқдил совет кишиларига сатирик элементлар билан сугорилган Усмон образи қарама-қарши қилиб қўйилган. Драмани саҳнага қўйган режиссёр Ўзбекистон ССР халқ артисти Зайнаб Содиқова ҳам психологик конфликтни спектаклнинг асоси қилиб олган. Усмон билан ижобий қаҳрамонларнинг тўқнашуви эса, асосий конфликтни нучайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган. Режиссернинг катта муваффақияти яна шундан, у спектаклда бир бутун ансамбль яратишга эришган — артистларнинг ижроси, спектаклнинг музикавий ва бадиий безаги асарнинг гоявий мазмунини очишга хизмат қилган. Спектаклда бирорта мақсадсиз мизансцена йўқ, артистларнинг саҳнадаги ҳаракати, ҳолати образнинг моҳиятини, унинг характеридаги хусусиятларни ёрқинроқ очишга қаратилган.

Спектаклда атиги етти образни кўрамиз. Деярлик ҳамма артистлар ўз ролларини усталик билан ижро этганлар. Хусусан, Ўзбекистон ССР халқ артисти Р. Мансуров ва истеъдодли ёш артист К. Шодиев яратган Салим ва Талъат образлари нишида катта таассурот қолдиради.

Спектаклнинг охирида сафсатачи Усмон Салимнинг сирларини билиб, уни қоралашга, номини булғашга уринади. Гарчи Салим йигитлик даврида гуноҳ қилган, ўз виждонига оёқ босган бўлса ҳам аслида у ёмон одам эмас. Шунинг учун ҳам Салим Усмоннинг дўқ-пўписаларидан қўрқмайди, шунинг учун ҳам томошабин ундан нафратланмай, аксинча ўғли отаси билан албатта ярашади деб умид боғлайди. Мансуров ўз қаҳрамонининг характеридаги фазилатлари, чунончи покдиллиги, виждонлилиги, унда оталик меҳри борлиги, ўсиб келаётган ёш авлоднинг тақдири учун чинакам жонкуярлигини Усмон билан тўқнашув саҳналарида, Талъат билан учрашув эпизодларида ҳаққоний акс эттиради.

Талъат образи артист К. Шодиевнинг катта актёрлик талантига эга эканлигини яққол кўрсатди. Унинг саҳнадаги хатти-ҳаракатлари, самимийлиги томошабинда образга нисбатан зўр ишонч туғдиради. Артист ўз қаҳрамонининг бутун бир биографиясини — гўдаклигидан тортиб, то мустақил киши даражасига кўтарилганлигини, унинг ҳаётида бўлган бурилишларни, қувонч ва машаққатларини юксак маҳорат билан акс эттиради. Томошабин Талъатнинг ўтмишини саҳнада кўрмайди, лекин артистнинг маҳорати туфайли, унинг бошдан кечирганларини бемалол кўз олдига келтираолади. Айниқса драматик саҳналар киши қалбининг энг нозик ва чуқур жойларини тирналб, ниҳоятда ҳаяжонлантиради. Бу саҳналарда артист ва режиссер шундай ифодали воситалар топганлари, Талъатнинг юрагидаги ҳиссиётлар равшан рўёбга чиқади. Артист ўз қаҳрамонининг қалбида уйғонаётган биринчи муҳаббатини, унинг Роҳилага бўлган севгисининг поклиги ва самимийлигини ҳам усталик билан тасвирлаган.

Хулоса қилиб айтганда «Биринчи муҳаббат» спектаклини Самарқанд театр коллективининг ижодий муваффақияти деб ҳисоблаш мумкин.

Ф. ЖУРАЕВ.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 21 июлда чиқади).

Редактор ўринбосари И. СУЛАЙМОНОВ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 26232. Масъул секретарь — 34808. Секретариат — 31936. Идеология бўлими — 25885. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 33786. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босматонаси.

Р. 08389. Индекс 64695. Нашр № 1639.